

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

ОҒРИҚ ТИШЛАР

Тўрт пардали комедия

Эпилоги билан

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Насиба — ўрта мактаб ўқувчиси.

Роҳила — унинг онаси.

Марасул Ҳузуржонов — Насибанинг эри, тиш доктори.

Фотима — унинг онаси.

Зуҳра — Фотиманинг синглиси. Насиба ўқийдиган мактабнинг қоровули.

Пўлатжон Домла — мактабнинг директори.

Вера
Назира } Насибанинг дугоналари.

Аҳаджон Заргаров — райижроком раисининг ўринбосари.

Оқила — унинг биринчи хотини.

Хуморхон — унинг иккинчи хотини.

Ризамат — Хуморхоннинг тоғаси, райижрокомнинг хўжалик му-
дири.

Воқеа бизнинг кунларда бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ ҚҰРИНИШ

Марасул Ҳузуржоновнинг ўз ҳовлисидаги кабинети. Кабинетни кўча томонидаги деразадан кўраимиз. Деразанинг икки томонида ёзувлар, «Тиш доктори. Тиш техниги. Йўл муюлишидан». Марасул, бекорчиликдан пашша тутиб ўтирибди. Заргаров киради.

Заргаров (*соатига қараб*). Марасул, ука, Оқида келмади-ку? А, Оқиладан дарак йўқ-ку?

Марасул. Оқидахон опам... Автобус соат учда келади. Лекин, эрталабки автобусга чиқолмасам, тушгисига чиқарман деган эди.

Пауза

Заргаров. Ҳм... Қаттиқ хафа эмасми?

Марасул. Устига хотин оласизу, хафа бўлмайди-ми?

Заргаров. Йўқ, авзойидан жанжал қиладиган эмасми демоқчиман?

Марасул. Йўқ... йиғлади!

Заргаров. Йиғлади. Хайрият! Йиғлаган бўлса жанжал қилмайди... Кимни олди, деб сўрамадимми?

Марасул. Сўради. Хуморхон деган бир жувонни олдилар, дедим.

Заргаров. Тинч келиб кетади дегин? Шундоқ бўлса ҳам насиҳат қилиб, этини ўлдириб, ундан кейин мени чақиргин. Мен уйда бўламан. (*Чиқмоқчи бўлади*).

Ичкари эшикдан Фотима киради.

Фотима. Ҳой, онанг айлансин. Марасул... (*Заргаровни кўриб*.) Ассалому алайкум... Марасул, иш бузиладиганга ўхшайди-ку: ЗАГСнинг қоғози бўлмаса домла-имом никоҳ ўқимас эмиш.

Заргаров. Никоҳ? Шу гапни менинг олдимда гапирмасангиз нима қилар эди!

Марасул (*қабулхона эшигига қараб-қараб онасига*). Секинроқ гапирсангиз-чи! (*Заргаровга ёлвориб*.) Яна битта акалик қилинг, жон ака! Бир оғиз айтиб қўйинг!

Заргаров. Жинни бўлдингми?.. Энди домла-имомга «никоҳ ўқи» дейишим қолдимми?!

Марасул. Йўқ, ЗАГСга айтиб қўйинг дейман! Гапга тушунмайдиган бир одам ўтирипти... ҳеч кўнмайди!

(*Трубкага*.) Йигирма бир ўн, икки... ЗАГСми? Қим? Сиз билан район ижроия комитетининг раис ўринбосари ўртоқ Заргаров гаплашмоқчилар! (*Трубкани Заргаровга беради*.) ЗАГС мудир!

Заргаров (*трубкага*). Ҳим... салом... Докторнинг ишини тўғрилаб беринглар! Марасул Ҳузуржоновнинг ишини... Қиз ёш?!

Фотима. Ёш эмас, йилма-йилига ўн саккизга кирган!

Марасул. Ёш эмас, ўн саккизда, мен биламан денг!

Заргаров. Ёш эмас, ўн саккизда, мен биламан денг... йўқ, мен ўзим биламан! А? Тўққизинчи синфда ўқиса ўқийверади-да! Мен тўртинчи синфда ўқиганимда йигирма ёшда эдим! Менга қаранг, жавобгарликдан қўрқманг. Ҳар қанча жавобгарлик бўлса бизга ортаверинг... Кўтаравериб елкаларимиз қадоқ бўлиб кетган!

Марасул (*унинг елкасини силайди*). Яшанг!

Заргаров (*трубкага*). Менга қаранг, ука! Менинг бу ишга гайин бўлганимга ҳали йил ҳам бўлгани йўқ, гапимни қайтариб, бунақа, обрўйимни тўкадиган бўлсангиз хафалашиб қоламиз! А? Қуёв билан келин менинг олдимда, ҳозир боради. Регистрация қилинг, бўлак гап йўқ! (*Трубкани зарда билан қўяди*.)

Фотима. Худоё умрингиздан барака топинг! Қатта бўлиш хўп яхши-да! Қимга нима деса — нақд!

Марасул. Боринг, Насибани мактабидан айтиб келинг, иссиғида бора қолайлик!

Фотима. Ҳозир айтиб келаман.

Заргаров. Лекин мен аралашганимни ҳеч кимга оғзингиздан чиқарманг!

Фотима. Хўп бўлади. (*Чиқади*.)

Кўкрагига жуда кўп значок таққан Ризамат киради.

Заргаров. Ҳа, Ризамат! Тиш оғриб қолдимми? Бунақа арақ ичишга тиш эмас, отнинг тақаси ҳам чидамайди.

Ризамат. Арақ ичмай қўйганман, хўжайин!

Заргаров. Шунақами... (*Кўкрагини кўрсатиб*.) Уҳў, тақмаганинг чойнакнинг қопқоғи қолипти холос-а! (*Чиқади*.)

Ризамат. Менга қара, ука, Ризқихўжа икковинг шу қилиқларингни менга қилмасаларинг нима бўлар эди?!

Марасул. Нима қилибмиз?

Ризамат. Бошида писанда қилмовдимми!.. Оғзинг-га сиққанини ол, лекин тилла тиш деб занглаган тақа кўйма демовдимми!

Марасул. Йўғе! Сизга шунақа қиламизми? Утиринг-чи...

Ризамат (*креслога ўтиради*). Кечадан бери ўхчий бериб ўлиб бўлдим-ку.

Марасул. Оғзингизни очинг! Уф, бай-бай, ичингизда ит ўлганми!.. (*Бирдан*). Э-э-э!.. Аттанг! Тиш кўйгандан кейин уч кун арақ ичмай туринг дейиш мутлақо эсимдан чиқипти-я! Қани (*тишини кўриб*). Ҳа, мана тамом... миокардиодистрофия!

Ризамат (*чўчиб*). А?

Марасул. Миокардиодистрофия!

Ризамат. Оббо, худо урди, энди нима қиламан! Нега айтмадинг, айтсанг тишимга сақич ёпиштириб ичар эдим-ку...

Марасул. Мутлақо эсимдан чиқипти! Майли, зиёни йўқ, тўғрилаймиз... Сиз ҳозир Ризқихўжанинг олдига боринг, мен телефон қиламан, чорасини кўради. Йўлда ичиб-негиб юрманг тагин.

Ризамат. Йўқ-йўқ, худо хоҳласа етиб борарман. (*Чиқади.*)

Марасул (*трубкага*). Ўн бир, ўн саккиз... Ризқи! Ризамат акага нуқул ўзидан қўйибсан-ку! Бориб-бориб ўртоқ Заргаровнинг қайнағасига шунақа қиласанми! Қўйсанг-чи, оғзи кўкариб ётибди! Энди бир-биримизни алдашимиз қолдими! Ҳозир боради, тўғрилагин! Арақдан миокардиодистрофия бўлипти дедим, сен ҳам шунақа дегин. (*Турбкани қўяди.*)

Оқила киради.

Э-э, келинг, Оқилахон опа... Қайси автобусда келишингизни билмаганим учун кутиб олгани чиқолмадим. Яхши келдингизми?..

Оқила. Шукур... Қанилар, хотин устига хотин олган Аҳаджон бой қанилар?

Марасул. Ҳозир... (*Турбкани олади.*) Иигирма беш, ўн беш... Аҳаджон ака, келдилар... Тезроқ чиқинг! (*Турбкани қўяди.*) Оқилахон опа, ишнинг фойда чиқадиган томонини кўзлайверганингиз маъқул. Жанжалдан ҳеч ким барака топган эмас. Индамай қўя қолинг.

Оқила. Нега индамас эканман! Ўн етти йил хизматини қилиб пировардида кўрганам шу бўлдимми? Менинг

юзимни қилмаса уч боласининг юзини қилса бўлмасмиди?.. Бундан ўн етти йил бурун битта данак эксам ҳозир соясида ўтириб мевасини ер эдим. (*Ииғлайди.*)

Марасул. Оқилахон опа... Фойда чиқадиган томонини кўзлайверинг.

Заргаров киради. Оқила беихтиёр ўрнидан туради.

Заргаров. Ҳа, яхшимисан... (*Пауза.*) Болалар яхшимми?

Оқила (*кўз ёшини артиб*). Яхши... Хайрият, болалар эсингизда бор экан!

Заргаров. Аҳмоқ бўлма!.. Утир! Энди нима бўлиб шундоқ бўлганини айтиб ўтиришга фурсатим йўқ — идорада одамлар мени кутиб ўтирибди. Бўлар иш бўлди, бўёви синди. Ихтиёр ўзингда, агар шу гапни кўчага чиқараман десанг, майли, чиқар, лекин ўйлаб иш қил! Ўзингга қийин бўлади: учта боланг бор, қўлингга ҳунаринг йўқ... Йў-йўқ, кўчага чиқармайман, сабр қиламан десанг...

Марасул. Сабрнинг туби олтин!

Заргаров. Балли! От айланиб қозигини топади!

Магазидан келаётган Хуморхон дераза олдига етганида қўлидаги ўрамни тушириб юборади.

Хуморхон. Вой! Марасул ака!.. Қарашиб юборсангиз-чи!

Марасул (*Заргаровга*). Хуморхон опам!..

Заргаров (*дарров креслога ўтириб*). Оҳ! Воҳ! Суғур! Суғурсанг-чи!

Марасул (*омбурни чоғлаб*). Ҳозир... Ҳозир...

Хуморхон. Вой, нима қилди?

Оқила Хуморхонга тикилганича қолади.

Марасул (*Хуморхонга*). Дунёда тиш суғуртиришдан ёмон азоб йўқ. Сиз бораверинг, кўрмай қўя қолинг. Хуморхон. Оғритмай олинг! (*Чиқади.*)

Оқила унинг кетидан қараб, аста ўрнидан туради.

Заргаров (*чўнтагидан пул олиб Оқилага беради*). Ма, болаларга бирон нарса олиб бер.

Оқила. Ўзингиз қачон борасиз? Болалар дада деб жонимдан безор қилишяпти! (*Ииғлайди.*)

Заргаров. Шу ҳафта ичи бораман. Болаларни ўпиб қўй! Бор!

Оқила товуш чиқармай йиғлаганича чиқиб кетади.

Марасул. Аҳаджон ака, жуда қалтис иш-да... бир чувингиз чиқса борми — бу ёғингиз райком, бу ёғингиз прокурор-а!

Заргаров. Э, ваҳима қилаверма!

Марасул. Одам қариган сайин ёшини хоҳлар экан-да!.. Хуморхонни олмасдан шундай ўйнашиб юра-версангиз бўлмасмиди?

Заргаров. Ўйнашиб юриб шунақа бўлиб қолди-да! Бир куни «бўйимда бўлиб қолди» деб йиғлаб келди. Ёлғон экан-ку, қўрққанимдан, қорни кўзимга катта кўринибди. Шу!.. «Тоғам билиб қолса мени сўяди, хотин устига бўлса ҳам ол», деб туриб олди. Тоғаси бояги Ризамат, ўшанда ҳам менда завхоз эди, ҳар куни саломга кирадиган бўлиб қолди: ҳар кирганда «сўйиб келмади-микин» деб юрагим жиғ этиб кетади, дегин!.. Бундан ташқари, ўйлаб қарасам, биздай одамнинг бисотида битта культурнийроқ хотин бўлса ҳам зиён қилмас экан. Ўзинг ўйлаб кўр: хотининг бўлса-ю, орада гаплашгудай гап бўлмаса, бирон жойга олиб боролмасанг, меҳмон келганда дастурхонда ортиқча бўлиб ўтирса!.. Қийин-да! Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотину, орқада қолиб кетди!

Марасул. Саводи бор шекилли?

Заргаров. Бор эди! Бир оз бор... жуда ёш олган эдим-да, етгинчими, саккизинчими синфда ўқир эди. Кейин ўқийлмади: катта даргоҳ, бола-чақа, қозон-товоқ... Қолиб кетди!.. Қўй бу гапларни! Мени яна бирон уч минг сўм қарздор қилиб тур. Хуморхонни курортга жўнатмасам бўлмайди. Оқиланинг тапти босилгунча кўздан нарироқ тургани маъқул.

Фотима киради.

Фотима. Насиба дарсда экан, айтдим, ҳозир дарс тамом бўлиши билан келади.

Марасул. Пулингиз борми? Аҳаджон акамга яна уч минг сўм зарур бўлиб қолибди.

Фотима (шошиб). Пулим йўқ.

Марасул (қулоғига). Ундоқ деманг, беринг, керак-ли одам.

Фотима. Ҳадеб олаверадими?... Кошки берса!.. (Ички белбоғидан пул олиб тез санаб беради.) Минг! Икки минг!.. Уч минг!

Қизларнинг ашуласи, Насибанинг «Сизлар кетаверинглар, орқаларингдан етиб бораман!» дегани эшитилади, Ҳамма деразадан қарайди.

Насиба (киради). Салом...

Фотима. Айланай...

Марасул. Ие, кийинмасдан келибсиз-ку!

Фотима. Вой, гиргиттон! Кириг! Кириг!

Заргаров (Насибага зеҳн солиб). Ҳим... (Марасулга.) Формада олиб бора кўрма, формани кўриб ЗАГС мудирининг жини кўзғамасин тагин.

Марасул. Йў-йўқ! Худо урдими!

Заргаров. Бўйи жуда паст экан-да!

Фотима. Туфли бор! Пошнаси бир қаричлик туфлимиз бор!

Заргаров. Хўп, боринглар, қашамини кейин қиласизлар. Хўп, мен кетдим, одамлар кутиб қолди. (Чиқади.)

Фотима. Қани, юринг, гиргиттон!

Иккови ичкарига кириб кетади. Марасул ашула айтиб асбобларини йиғиштиради ва кийинади. Ичкаридан Фотима, бошқа кўйлак ва баланд пошна туфли кийган Насиба зўрға юриб чиқади.

Марасул. Қани, кетдик!

Насиба (Фотимага). Тагин ЗАГСга борамизми?

Фотима. Бу сафар бетўхтов ЗАГС қилади, Аҳаджон акангиз буюрдилар.

Марасул. Энди портфелнинг кераги йўқ. (Портфелни олиб улоқтиради.)

Фотима. Боринглар! Илоҳи омин!.. Тезроқ қайтинглар, ошнинг гуручини солмай тураман!

Марасул билан Насиба чиқади. Фотима креслога ўтириб юзига фотиҳа тортади.

ИККИНЧИ ҚҶРИНИШ

Роҳиланинг кўримсизгина уйи. Роҳила, Марасул. Марасул хуноб бўлиб у ёқдан-бу ёқча бориб келмоқда.

Марасул. Бунақа қайсар одам дунёга келган эмас! «Ахир Аҳаджон акам телефон қилдилар-ку, яна

нима керак?» десам, «Худонинг ўзи телефон қилса ҳам регистрация қилмайман» дейди-я!

Роҳила. Лоҳавла... Энди нима қиласизлар?

Марасул. Энди нима қилар эдик... қишлоққа чиқиб регистрация қилдириб келамиз-да... Аҳалжон акам хат ёзиб бердилар... Мана... (Уқийди.) «Жондан азиз жиянимиз Нишонбойга етиб маълум бўлсинки, ушбунни кўрсатувчи Марасул Хузуржоновни тегишли умр йўлдоши ўртоқ Насибахон Асқарова билан бирликда никоҳ дафтариңгиздан ўтказиб азбаройи (таъкидлаб) турмуш қилишлари учун қонуний ҳужжатларини бермоғиңгизни сўраб қоламан деб Заргаров».

Роҳила. Қачон борасизлар?

Марасул. Ҳозир борамиз, борди-келдиси машинада бир ярим соатлик йўл... Насиба келмаяпти-ку?

Роҳила. Ҳайронман... Мактабимга бориб келаман деган эди.

Марасул. Хавотирман-да: битта-яримта ўртоғига айтиб қўйса...

Роҳила. Йўғ-э, айтмайди!

Марасул. Мен бориб машинани олиб келай, унгача келиб қолар. Тайёр бўлиб туринглар. (Чиқади.)

Роҳила (ўзича). Шукур, худога минг қатла шукур, кўзим очиклигида қизгинамнинг тўйини кўрадиган бўлдим. (Гардеробни очиб Насибанинг кўйлақларини ҳавас билан кўздан кечиради.) Тoleyингдан ўргилай, қизим, онанг шўрлик қиз бўлиб, келин бўлиб ҳеч нарса кўрмаган эди, худойи таоло ҳаммасини сенга насиб қилган экан. (Ўзича ашула айтади.) Тўй муборак бўлсин. Тўйлар муборак бўлсин...

Ўргилай Насибахон, тўйлар муборак бўлсин...

Мактаб формасида Насиба маъюс киради.

Келдингми, қизим... Ҳа, нима бўлди?

Насиба (секин). Мен яширолмадим... Домламга айтиб қўйдим...

Роҳила (қўрқиб). А? Қайси бирига айтдинг?!

Насиба. Мактабдан чиқиб келаётсам Пўлатжон Домла эшикда турган эканлар... Ҳеч яширолмадим! Кабинетларига олиб кирдилар. (Бирдан.) Ая, қўйинг, шу ишни! Қўйинг, шу иш мактабни битирганимдан кейин бўлсин! Мен домламга ваъда бериб келдим. Қўйинг, керакмас!

Роҳила. Ҳой, нешукур! Бахт қуши одамнинг бошига бир марта қўнади-я! Уқий ҳамма вақт бўлаверади — магазин тўла китоб!

Пўлатжон Домла киради.

Пўлатжон Домла. Мумкинми?

Насиба (ҳайрон). Марҳамат... Келинг, Домла...

Роҳила (гаранг). Келинг, директор-домласи...

Пўлатжон Домла. Салом...

Роҳила. Қани бу ёққа... қизим, самовар қайнаб турган эди, олиб кир!

Пўлатжон Домла (ўтиради). Саломат бормисиз?..

Роҳила. Шукур...

Пўлатжон Домла. Насибани узатишга шошилибсиз деб эшитдим...

Роҳила (гангиб). Йўқ... Ким айтди?.. Бекор гап! Улимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ...

Пўлатжон Домла унинг кўзига қарайди.

И-ҳа, эсим қурсин, дурустроқ бир жой чиққан эди, подручка қилиб юрсин деб унаштириб қўйдик, холос...

Пўлатжон Домла. Ҳим... «Дурустроқ жой»? Нимаси дуруст экан?

Роҳила. Дурустлиги шуки... ўзи доктор! Доктор бўлганда ҳам чаққонгина доктор экан! Данғиллама иморату, машина-ю! Сигир, товуқ, ғоз... Болагинам етим ўсганига яраша худо пешонасига бахт битган экан!

Пўлатжон Домла. Ҳмм... Ҳар бир она боласини яққолроқ кўриниб турган бахтга томон йўллашни истайди, лекин афсуски, бахт, чинакам бахт нима эканини ҳар бир она билавермайди. Азизим! Қизингизнинг бахтини бировларнинг остонасидан қидирманг! Бахтни бировларнинг остонасидан қидиришнинг ўзи бахтсизликнинг боши! Насиба ўз бахтини ўзи, ўз қўли билан яратади! Бахт хусусида уни янглиштирманг! Янглиштирманг қиз бечорани!

Роҳила. Вой, мен янглиштирганим йўқ! Уқиган йиғит бўлгани учун қўлдан чиқмасин деб...

Пўлатжон Домла. Уқиган бўлса ҳам ўқимаган йиғитга ўхшайди, йўқса Насибанинг ўқилини ора йўлда қолдириб мактабдан юлиб олмоқчи бўлмас эди.

Роҳила. Билмасам, Насибанинг ўзи танлаган... яхши кўради...

Пўлатжон Домла. Хато! Ундоқ деманг, хато гап! Мен Насиба билан гаплашиб кўрдим. Бу муҳаббат эмас, англашилмовчилик! Сиз муҳаббат хусусида ҳам уни янглиштирманг!

Роҳила. Вой, ғалати гапни гапирасиз-а, домласи, (*йиғламсираб*) она ўз боласига ёмонликни раво кўради-ми!..

Пўлатжон Домла. Тўғри, ҳеч қачон раво кўрмайди! Қадимги вақтда ёш қизларини хотин устига берган, олтмиш-етмиш яшар чолларнинг қўйнига солиб қўйган ота-оналар ҳам ўз боласига ёмонликни раво кўрган эмас, лекин дўст бўла туриб душман ишини қилганлиги ҳам ҳақиқат! Шундоқ эмасми?

Самовар кўтариб Насиба киради.

(*Насибага.*) Биз ўқитувчилар, тўққиз йил давомида сени кўзимизнинг нури, бағримизнинг ҳарорати билан парвариш қилдик!.. (*Роҳилага.*) Тувакда бир туп гул ўстирган одам шу гулнинг бирон япроғига шикаст етса қанчалик ачинади! Насиба бир туп гул эмас!

Роҳила. Айтдим-ку, домласи, совчи келавермасин деб унаштириб қўйдик, холос. Тўйни келаси йил қилсак қилармиз...

Пўлатжон Домла. Тўй деб Насибанинг ўзи айтди-ку!

Роҳила (*қизига хўмрайиб*). Вой, нега ундоқ дединг? Унаштириш нима эканини билмайди-да, домласи, ёш... (*Ункалаб.*) Вой, домласи, наҳотки шунга ишонган бўлсангиз! Сизни отаси ўрнида кўрсагу наҳотки сиздан бесўроқ иш турса... (*Насибага.*) Қиз нарса, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, тўй деб юргани уялмайсанми! (*Бичинини ўйиб олади.*) Гапир!

Насиба. Кечирасиз, домла, мен тушунмаган эканман...

Роҳила (*сохта кулиб*). Буни қаранг, унаштиришни тўй деб юрса-я! Қўйинг, домласи, ҳозир унаштиришдан ҳам айнидим! Вақт-соати етганда бўлар! Вақт-соати етганда куёвни ўзингиз топасиз! Тўйга ўзингиз бош бўласиз!

Пўлатжон Домла. Ана бу гапингизга офарин! Офарин! Энди мен кетай бўлмаса...

Роҳила. Бирпас ўтирсангиз бўлар эди.

Роҳила уни кузатиб чиқади. Насиба ўйланиб қолади.

Роҳила (*киради*). Орзу-ҳавас кўриш пешонамга битмаган бўлса нима ҳам дейман! (*Йиғламсираб.*) Майли, онанинг кучи болага етмайдиган замон экан...

Насиба (*ҳайрон*). Вой нима деяпсиз ўзингиз?!

Роҳила. Шу гап ўлгурни домланга айта қолмасанг нима қилар эди! Сизларга нондан ҳам домла азиз-да! Майли, шундай бўлса ҳам сендан розиман... (*Айтиб йиғлайди.*) Ўғил кўрмадимки, гўримга икки кетмон тупроқ ташласа... Товутим чиққан кунни арвоҳимга битта шам ёқсанг бас!

Марасул киради.

Насиба (*йиғлаб*). Дарров шунақа дейсиз-да! Марасул. Ўзи нима гап? А?

Роҳила. Директор-домласи келди...

Марасул. А?.. Хўш?

Роҳила. Домласига айтибди...

Марасул (*Насибага*). Ие, қанақасиз ўзингиз, ҳеч кимга оғзингиздан чиқарманг демовдимми? (*Роҳилага.*) Хўш, нима деб келибди?

Роҳила. Нима дерди!

Марасул (*Насибага*). Хўш, сиз нима дедингиз?

Насиба. Пўлатжон Домла мендан жуда қаттиқ койиндилар.

Марасул. Қизиқ экансиз, директор бўлгандан кейин койийди-да! Нима, чапак чалсинми бўлмаса?

Насиба. Йўқ, Домла чинакам куяётиптилар, мактабни битиролмай қолади деб ўйлаётиптилар.

Марасул. Ие, ахир айтмадингизми!.. Мен жонимни, танимни, бутун умримни илм йўлига тиккан бир дарвишман-ку, ахир! Мен нима қилсам илм учун, илм йўлида қиламан. Куним битиб ўлсам, ўлигимни ҳам илм йўлига бераман: майли, студентлар теримга похол тикиб бурчакка қўйишини! Финг демай туравераман!.. Мен сизга қўл чўзганимда эркак бўлиб эмас, бир тарбиячи бўлиб қўл чўздим. Мен сизни университетда ўқитаман, аспирантурада ўқитаман! Менга жўн хотин керак эмас! Жўн хотин керак бўлса, мана, ўртоқ Заргаровдай одам синглисини бермоқчи бўлганда ола қолар эдим!

Роҳила (*Насибага*). Эшитаётибсанми?

Марасул. Мен сизни доктор қиламан, академик қиламан!

Насиба (*кулимсираб*). Ростми?..

Марасул. Мен сизга қачон ёлгон гапирган эдим?

Фотима киради.

Фотима. Ҳой, мунча ивирсидиларинг! Машинада ўтириб кўзим пинакка кетибди. Бўла қолсаларинг-чи!..

Роҳила (Насибага қўйлақ бериб). Юр тезроқ, кийингин, қизим!

Насиба. Ая, ахир, Пулатжон Домла...

Роҳила. Гапни кўпайтирма! (Насибани қўярда-қўймай етаклаб олиб чиқади.)

Марасул (Фотимага.) Тўйни тезроқ ўтказмасак мактаб ишни чатоқ қиладиганга ўхшайди.

Фотима. Албатта! Менинг нима деб жоним ҳалак! Қачонгача ўргатаман!..

Ясанган Насиба, Роҳила киради.

Марасул. Қани, кетдик!

Роҳила. Кетдик!

Насиба. Ая, домламга нима дедингиз?..

Марасул. Юринг! Юринг! (Насибани қўлтиқлаб олиб етаклайди.)

Ҳамма чиқади.

Парда

Иккинчи парда

Учинчи кўриниш

Катта дид ва зўр ҳавас билан солинган иморат. Еш мева дарахтлари. Майнинг ўрталари.
Насиба, Вера, Назира.

Насиба.

Кавказ подо мною. Один в вышине
Стою над снегами у края стремнины
Орел, с отдаленной поднявшись вершины,
Парит неподвижно со мной наравне.

Вера. Парит эмас, парит!

Насиба. ... Парит неподвижно со мной наравне...
Кисловодск! Казбек! Арарат!..

Назира. Кисловодск қаёқда-ю, Казбек билан Арарат қаёқда! Тўққизинчи синфда ўқиган одам географияни бир оз билиши керакдир?

Вера. Қизишма, Назира.

Насиба (кулади, Назирани қучоқлайди). Узингнинг ҳам ҳавасинг келаётинли, ўртоқжон!.. Вой!.. Уйласам юрагим ҳовлиқиб кетади!.. Шуларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўраман-а!

Назира. Уқиш-чи?! Уқишни кимнинг кўзи билан кўрасан? Имтиҳонлар-чи?

Насиба. Имтиҳон? Имтиҳонни кузда бераман. Марасул акам шунақа деяптилар!

Назира. Ҳайронман! Мен сенга ҳайронман, Насиба! Наҳотки одам ҳеч кераги йўқ курортни деб имтиҳонни кузга қўйса!

Вера. Бари бир мактаб жавоб бермайди.

Насиба. Жавоб берган бўлса-чи?

Вера. Ҳеч-да.

Насиба. Марасул акам «Насиба ҳозир курортга бормаса бўлмайди» деб поликлиникадан справка элтиб бердилар.

Вера. Ҳеч касалинг йўқ-ку!

Насиба. Вой, касалим бор!..

Назира (тажанг). Қаеринг қийшайибди?

Вера. Назира, оғир бўл!

Насиба (зўр ташвиш билан). Марасул акам мана бу еримга ... йўқ, мана бу еримга қулоқ солиб кўриб, (бош чайқайди) мундай-мундай қилдилар.

Назира. Бошини мундай-мундай қилган Марасул акаңгу справкани поликлиника бердимми?

Вера. Назира, ҳовлиқмагин!

Насиба. Марасул акам касалимни айтгандилар-да!

Вера. Ҳеч қанақа касалинг йўқ! Қўй бу гапларни! Биз ёрдам берайлик, имтиҳонга тайёрлан.

Насиба. Вой, мунча! Имтиҳонни берсам бўлдимми? Кузда бераман-да! Ҳозир қандоқ қиламан... Поездга билет олиб қўйган бўлсак, поезд уч соатдан кейин кетса... Учинчини кечки мактабда битираман! Битирмасдан иложим борми, янаги йилга Москвага кетадиган бўлиб турибмиз. Марасул акамни Москвага ишга чақиришяпти.

Назира. Мен ҳам «Москвада тиш доктори камчил эмиш» деб эшитдим!

Вера (аччиғи келиб). Назира, қўйсанг-чи!

Н а с и б а. Вой, ишонмайди-я! Хат келибди! Кетамиз! Марасул акам «сени Ломоносов номидаги университетга киргизиб қўяман», деяптилар, йигирма бешинчи этажда ўқийман! У киши ишлайди, мен ўқийман. Университетни битираман, кандидат, доктор бўламан! (Керилиб.) Физика-математика фанлари доктори, профессор Насибaxon Каримовна Асқарова! Йўқ-йўқ, Хузуржонова!

Н а з и р а. Сал тушинг!

Н а с и б а. Бўлолмайманми?

Н а з и р а. Бўлолмайсан!

Н а с и б а. Бўлолмайманми, бўлолмайманми?

Н а з и р а. Бўлолмайсан!

Н а с и б а (уни йиқитиб миниб олади). Бўлолмайманми?

Н а з и р а. Тавба қилдим! Бўласан... бўласан...

Кулги. Жимлик.

В е р а («Школьный вальс»ни бошлайди).

Давно, друзья веселые,
Простились мы со школою...

Назира билан Насиба қўшилади.

Но каждый год мы свой приходим класс,
В саду берёзки с клёнами,

И школьный вальс опять звучит для нас.
Сюда мы ребяташками
С пеналами и книжками...

Насиба сукутга кетади. Буни Вера пайқаб Назирани туртади.

Н а з и р а (ўйчан).

Давно, друзья весёлые,
Простились мы со школою...

В е р а. Ҳар қалай эрга текканинг бемаврид, бемаслаҳат иш бўлди! Насиба. Мактаб билганида тўйингни бир йил кейинга қўйдирар эди. Яширдинг. Ҳамма сендан хафа!

Н а с и б а. Уф... Муҳаббат нима эканини бошингга тушганда биласан!

Н а з и р а. Яна бир йил сабр қилганингда муҳаббатингга куя тушармиди?

В е р а (Назирага). Оғир бўлсанг-чи, ахир!

Н а с и б а. Яна бир йил сабр қилсам бўлар эди, лекин бир томондан, аям... «Кўзим очиқлигида тўйингни кўрай» деб туриб олдилар, бир томонда... (ифтихор билан) ўртоқ Заргаров орага тушдилар. Ундан кейин Марасул акам ҳар куни мактабга кетишимда ҳам, келишимда ҳам, гул кўтариб кўчамизнинг бошида турар эдилар.

Н а з и р а. Менга қара, ҳар куни гул кўтариб турганига раҳминг келдими, ё чинакам яхши кўрасанми?

Н а с и б а. Билмасам... (ўйчан). Баъзан аллақандай бўлиб кетаман... Кўнглим ғаш... Тўққиз йил ўқиган мактабим, муштдайлигимдан бирга ўсган ўртоқларим... Ҳаммасига, бегонадай бўлиб қолдим! Энди кечки мактабда ўқийман... Хотинлар... Қизиқ-а, мен энди хотин!.. Марасул акам менинг эрим! Эр! «Эрим» деган гапга ҳеч кўниқолмаяпман! Кўниқиб кетарман-а, қизлар! Бир одам сенга жони жаҳонини берса-ю, сендан ҳеч нарсани талаб қилмаса, шу одамнинг оти эр бўлса, бунга кўниқмасдан нимага кўникади киши! Қаранглар, шу ҳовли-жой, мана шу дарахтлар, курси, сўри — ҳаммаси меники! (Бахтиёр.) Эрим мени бугун Кисловодскка олиб кетади!

В е р а. Бутунлай ўзгарибсан!

Ф о т и м а (товуши). Ҳой, Асқад, жувонмарг, қўясанми, йўқми?!

Н а с и б а. Қайнанам...

Ф о т и м а чимматсиз паранжи ёпиниб, иккита бидон кўтариб киради.

Ф о т и м а. Келинпошша! (Меҳмонларни кўриб.) Йел Келинлар, эсонмисиз... Омонмисиз... (Насибага.) Келинпошша, товукларингизга мойк қўйдингизми?

Н а с и б а. Ҳа, мойк қўйганман.

Ф о т и м а. Чипор товугингизга-чи?

Н а с и б а. Унга ҳам қўйдим.

Ф о т и м а. Қора товугингиз ҳам қа-қалаб юрибди. (Товуқнинг юришини қилиб кўрсатади.) Қа-қа-қоқ... (Бир чеккада турган шиша билан пахтани кўриб қолади.) Ҳа, айтгандай (шиша билан пахтани олади), сигирингизнинг қаншарига темирўтки чиқибди, намақоб суркадим, нос суркадим — бўлмади, пичоқ билан қириб, кирасин суркаш керакмиш.

Назира пиқ этиб кулиб юборади. Вера уни туртади.

Қирай десам, қариллик қурсин, кўзим ўтмади. Сизнинг кўзингиз ўткирроқ... Мана, учовларинг бирласда қиласизлар...

Назира товуш чиқармай қотиб-қотиб кулади. Вера уни туртади, гавдаси билан Фотиманинг назаридан тўсади.

Насиба (*хижолат*). Мол докторига қаратамиз, ая, доктор даво қилади!

Фотима. Аввал бир суркаб кўринглар, бўлмаса ундан кейин дўхтирга қаратайлик. (*Шуша билан пахтани унга беради.*)

Насиба. Хўп-хўп... Утиринг...

Фотима. Йў-йў-йўқ, бемалол ёзилишиб ўтиринглар! Емон кўрганим ёшларнинг суҳбатига қариларнинг суқилиши. Айниқса, қайнана...

Насиба. Унақа деманг! Утиринг!

Фотима. Ешлигимда қайнананинг жабрини торта-торта жонимда жон қолган эмас. Мана шу Марасулни туққанымда: «Шу ўғлим катта бўлса, хотин олса келинимнинг ҳеч ишига аралашмайман», деб ният қилганман. Худо ниятимга етказди.

Ҳозлар товуши.

Ҳой, Асқад ўлгур! (*Кўча эшигига томон югуради.*)

Насиба ундан илгари чиқиб кетади.

Насиба (*товуши*). Ҳой, Асқад!

Фотима (*кўчага*). Келинпошша, ҳу, ана у эшикка кирди! Ҳа, жувонмарг!.. (*Қайтади.*)

Вера (*Назирага, «сен тек тур», деган маънода ишора қилиб*). Хола, Насиба ўқишини қўйиб курортга кетармиш... Чакки қилаётипти. Сиз ҳам айтинг...

Назира. Уғлингизга айтинг, олиб кетмасинлар. Имтиҳони бор.

Фотима (*бидонларини олиб*). Йў-йўқ! Мен ният қилганман. Ихтиёр ўзида. Ҳукуматнинг даврида ҳамма озод, озод бўлгандан кейин борса ҳам ўзи билади, бор-маса ҳам ўзи билади. (*Чиқади.*)

Машина гудоги. Насиба билан Марасул киради.

Марасул. Салом қизлар!.. Насибахон, пулингиздан бир минг беш юз сўм олиб чиқинг, мен сизга бир нараса олиб келаман.

Хўш, қизлар, нима гап?

Вера. Бизни комсомол ташкилоти юборди.

Назира. Насиба имтиҳонларини бермасдан курортга кетар эмиш! Бу қанақаси?..

Вера. (*Назирани туртиб*). Комсомол ташкилоти бизни хабар олгани, билгани юборди.

Марасул (*елкасини қисиб*). Мен бу тўғрида дирекцияга справка элиб берган эдим-ку?

Назира. Курортга ҳозир бориши зарурми?

Марасул. Зарур! Докторлар касали жуда оғир дейишаётипти. Миокардиодистрофия!

Назира. (*Верага бир қараб*). Вой, Насибани ўзингиз кўрибсиз-ку! Поликлиника сизнинг гапингизга қараб справка берибди-ку!

Марасул. Тўғри, ўзим кўрдим! Нима, мен доктор эмасманми? Жим! Насиба чиқаётипти. Мен касалини ўзига айтганим йўқ. Ўзи билмаслиги керак!

Насиба уйдан жуда кўп пул олиб чиқади ва ўртоқларининг кўз олдига ҳузур қилиб санаб беради.

Насиба. Мана... Бир! Икки...

Марасул. Курортга боришдан мақсад даволаниш бўлса, даволанишдан мақсад — ўқиш! Аъло ўқиш! Комсомол ташкилоти билан дирекцияга менинг номимдан айтинглр... Мен олий маълумотли одамман, докторман! Насиба кузда ҳамма фандан аълога топширмаса йўл қўймайман! Насиба мени ерга қаратмайди.

Насиба. Албатта!.. Эллик саккиз, эллик тўққиз, олтмиш!.. Дарров келасиз-а! Тагин поездга кечикмайлик!

Марасул. Мен беш минутда етиб келаман. Ўртоқларингизга яхши пластинкалардан қўйиб беринг.

Назира. Йўқ, биз ҳам кетамиз!

Марасул. Шунақами... Машинага чиқинглр бўл-маса.

Насиба (*эркаланиб*). Марасул ака, машинани кўчанинг бошигача ҳайдаб чиқай...

Марасул (*кулиб, қизларга*). Насиба машина ҳайдашни ўрганаётипти. (*Насибага.*) Хўп, лекин катта кўчага чиқмайсиз!

Насиба (*севиниб*). Хўп! Кўчанинг бошигача...

Ҳамма чиқади. Мотор гуриллайди. Машина-гудоги. Ғозлар товуши. Машина жўнайди. Пақир кўтариб Фотима киради. Телефон жиринглайди.

Фотима (трубкани олиб). Ҳа! Марасул йўқ. Кимсиз? Директор? Вой, болам, қайси магазиннинг директорисиз? А? Мактаб директори? Ҳмм... Ҳа, кетишаётипти. А? Ихтиёр Насибанинг ўзида. Вой, ўзингиз ўқиган одам бўла туриб озодликка тўсқинлик қиласизми?

Кўчадан ғозлар товуши эшитилади.

Кўйинг, кўйинг, гапни чўзманг! Вақтим йўқ! (Трубкани қўйиб кўчага қарайди. Хуморхон киради.) Ҳой, Асқад, кўясанми, йўқми? Бировнинг ғозини қувлайверасанми?

Хуморхон. Ким, хола?

Фотима. Анави Тўлаганнинг эркатойи! Минаман деб ғозларни қувлагани қувлаган.

Хуморхон. Бизнинг телефон яна бузилиб қолди. Эр бўлмай қора ер бўлгур, шуни яхшироқ тузаттириб қўймайди! Мумкинми?..

Фотима. Бемалол... (Пақирни қўйиб, уйга киради.)

Хуморхон (трубкага). Йигирма тўрт — егмиш тўрт... Салом. Хуморхонман. Аҳаджон акам бормилар? Шунақами... Раҳмат... Кечирасиз... Йигирма — тўқсон саккиз... Уртоқ Заргаров бормилар? Қаёққа? Раҳмат. Кечирасиз... Йигирма уч — саксон тўққиз. Уртоқ Заргаровнинг оилалари бўламан... А? Қаёққа кетди экан? Айтмадими? Раҳмат. Кечирасиз. (Трубкани қаттиқ қўйиб ўрнидан туради.)

Насиба. (югуриб киради). Ду-ду-дуд!.. Радиатор... Аккумулятор! Келинг, Хуморхон опа...

Фотима уйдан чиқади.

Фотима. Келинпошша! Сигирингизни соғиб оласизми?.. (Кунга қараб.) Мен намозни ўқиб олай.

Насиба пақирни олиб ўйнаб чиқиб кетади. Телефон жиринглайди.

Ким? А? Ҳозир. (Чиқмоқчи бўлган Хуморхонга.) Манг! Эрингиз. (Жойнамозни олиб намозини бошлайди.)

Хуморхон (трубкага). Лаббай! Аҳаджон ака! Қайси гўрда юрибсиз? Телефон қилмаган жойим қолмади! Нима бўлди путёвка. (Таъби хира бўлиб.) Вой

курортга кетаётибман деб ҳаммага овоза қилиб қўйганимдан кейин йўқ дейсизми? Керакмас, путёвка топиб келмасангиз уйга киргизмайман! (Трубкани қўйди, намоз ўқиётган Фотимани четлаб ўз ҳовлисига чиқиб кетади.)

Машина гудоги. Бир қўлида ҳасса билан шляпа, бир қўлида ўрам, Марасул киради. У оёқ учида юриб уйга кириб кетаётганида Фотима унга кўз қири билан қарайди.

Фотима (саждага кетаётиб). Шошма!

Марасул бир тўхтаб яна йўлда давом этмоқчи бўлади.

Шошма дейман. У нима?

Марасул. Хитойи халат.

Фотима. Бу ёққа бер! (Халатни очиб кўради.) Қачон ақлинг киради!

Марасул. Ҳмм...

Фотима. (Фотиҳага қўл очиб.) Нима қиласан латтани? Йўқот! Илм бошқа экану, ақл бошқа экан-да!

Марасул. Келинингиз бир хурсанд бўлсин деган эдим-да!

Фотима (юзига фотиҳа тортиб). Хотиним хурсанд бўлсин десанг тилла узук олиб бер, тилла билагузук, кўш-қўш тилла соат олиб бер! Хотининг ҳам хурсанд, ўзингнинг ҳам бир кунингга ярайди. Ўзингни тиллага ур, онанг айлансин Марасул, ўзингни тиллага ур!

Марасул. Энди буни магазин қайтиб олмайди-да... (Эслаб.) Хуморхон шунақа нарсаларга ўч, ўшанга оширамиз.

Фотима. Ошир!.. Мактабдан телефон қилди. Яна ўша гап! Тезроқ жўнай қолинглар!

Марасул. Чатоқ бўлаётипти-да. Бориб-бориб менга гап тегмаса эди дейман-да...

Фотима. Насибанинг ўзи ўқишни хоҳламаса ҳеч кимга гап тегмайди. Озодликка чиққандан кейин хоҳласа ўқийди, хоҳламаса қаттиқ сотади. Олиб кетавер. Шунча ўқишти — бас, бундан ортиқ ўқиса тепангга чиқиб кетади. Ишлайсан, пул топасан — роҳатини кўр. Менинг ҳам илгариги қувватим қолган эмас. Мен ҳам дунёга умид билан келганман, оёғимни узатиб ўтирармикинман деб ўғил ўстирганман.

Марасул. Тўғри-ю, лекин бу ёқда мактаб, бу ёқда комсомол...

Фотима. Борди-келдиларингга икки ой кетар экан. Икки ойгача эҳе! Эсидан чиқади-кетади.

Фарғуқ тутиб олган Насиба киради.

Насиба. Ая, сутни нима қилай?

Фотима. Узим саранжомлайман. (Чиқади.)

Насиба. Нима олиб келдингиз, Марасул ака?

Марасул (халатни беради). Лекин ўзимга ёқмай турипти. Пастроғи экан.

Насиба. Қийиб кўрай-чи!

Марасул. Арзимамайди.

Насиба унинг кетидан Марасул уйга киради.

Заргаров, Хуморхон, буларнинг кетидан Ризамат ҳовлиқиб киришади ва телефон томон боришади.

Заргаров (Ризаматга). Боятдан бери айтмайсанми!..

Хуморхон. Сизнинг путёвка тополмаслигингизни қаёқдан билсин!

Заргаров. Нима, ким дединг?

Ризамат. «Инобат» артелининг раиси Раҳимов Малик.

Заргаров (трубкага). «Инобат» артели... А? Банд? Оббо!.. (Трубкани қўяди.) Путёвка олдим, деб ўзи айтди?

Ризамат. Ўзи айтгани йўқ, мен сўрадим... Оғайним...

Заргаров. Олдим, дедими?

Ризамат. Ҳа, кеча олган экан?

Заргаров (трубкага). «Инобат» артели... (йўғонроқ товуш билан.) Раиси борми? Ие, салом... Заргаровман. Раҳмат... Ишлар қалай? Дуруст, дуруст...

Хуморхон. Гапни чўзманг!

Заргаров. Бизнинг бошимизга бир мушкул иш тушиб қолди-да. Умр йўлдошимиз қаттиқ бегоб...

Хуморхон. Бунақа гапларни сизга ким қўйипти, хотиним деяверинг!

Заргаров. Ҳа, хотиним... Қисловодскга бир дона путёвка олган экансиз, шуни бизга берсангиз, биз сизга янаги ойга тўғриласак, қалай бўлади? Одам юборайми? Раҳмат. (Трубкани қўяди.)

Хуморхон. Бўлди?

Заргаров. Албатта! Одамни шошириб юборасиз-а!.. Ризамат, бор, путёвкани олиб кел! Машинада бориб кела қол.

Ризамат чиқиб кетади.

Лекин шунақа одамларга телефон қилиш яхши эмас, жоним! Бунақада обрў қоладими?

Хуморхон. Обрў? Обрў борми сизда? Битта путёвкани тоғам аралашмагунча эпполмадингиз-ку! Обрў эмиш! Обрў десангиз хотинингизнинг тоғаси завхоз бўлиб юрармиди!

Заргаров. Ичмаса экан, бошқа ишга қўйсам! Араққа нон тўғраб ейди!

Хуморхон. Бўлди, бўлди, пул топинг!

Марасул билан Насиба уйдан чиқади.

Насиба. Хуморхон опа, бу ёққа келинг-а! Сизга бир нарса кўрсатаман! (Хуморхон билан уйга кириб кетади.)

Марасул. Келинг, Аҳаджон ака!.. Марҳамат!

Заргаров. Путёвка масаласи ҳал, энди билетга, йўлга бир оз пул бўлса... Яна бирон уч минг қарздор қилиб турасан, ука.

Марасул. Жоним билан.

Фотима паранжи ёлиниб бидон кўтариб киради ва кўча эшиги томон йўналади.

Ая, пулингиз борми?

Фотима (Заргаровга кўз қирини ташлаб). Йўқ эди-ку.

Марасул. Қаранг, бордир, Аҳаджон акамга уч минг зарур бўлиб қолибди.

Фотима (ўзича). Оббо!.. (Заргаровга) Озроқ бўмайдимми? Озроқ олсангиз беришингиз осон бўлар эди (беради). Мана, санаб олинг (инқиллаб чиқиб кетади).

Заргаров (пулни ёнига солиб). Раҳмат! Зап онанг бор-да!.. Бир тийинини қирғич билан қириб олади, киши-я! Мен бориб билет олиб келай бўлмаса...

Марасул. Мен машинани поликлиниканинг гаражига қўймоқчи эдим, юринг...

Иккови чиқиб кетмоқчи бўлиб турганда Насиба, халат кийган Хуморхон уйдан чиқади.

Марасул. Уҳ-ўҳ-ўҳ!.. Жуда ярашипти-ку, Хуморхон!

Насиба. Менга ярашмаганмиди?

Марасул. Сизга ҳам ярашди-ю, жизми каттароқ!..
Хуморхон (*Заргаровга*). Гапирсангиз-чи!
Заргаров. Дуруст, дуруст.
Хуморхон (*Насибага*). Опаси ўргилсин, менга беринг, мен сизга бошқа нарса олиб бераман.
Марасул. Насиба сиздан битта эмас, ўнта халатни ҳам аямайди. (*Кўз қисади.*)
Насиба. Майли..
Хуморхон (*Заргаровга*). Пулингиз борми?
Заргаров. Бераман, бераман. (*Марасулга.*) Кейин суришамиз.
Марасул. Майли-майли... (*Ўзича.*) Бунга ҳам куйдик...

Ризамат киради.

Ризамат. Мана, путёвкани олиб келдим.
Хуморхон (*севиниб*). Вой!
Заргаров. Яхши. (*Марасул билан бирга чиқиб кетади.*)
Хуморхон. Юринг, тоғал!

Иккови чиқиб кетади. Насиба хомуш бўлиб ўтириб қолади. Чимматсиз паранжи ёпинган Роҳила киради. Насиба беркинадди. Роҳила бир неча марта чақиргандан кейин орқасидан келиб кучоқлайди, Роҳила чўчиб кетади.

Насиба. Шунақа, бирдан кетадиган бўлиб қолдик, ая!
Роҳила. Ой бориб, омон келинглар!
Насиба (*бахтиёр*). Кавказ! Пушкин... Лермонтов... Сиз барибир тушунмайсиз!.. (*Онасини танцага олиб тушади.*)

Роҳила. Вой, вой!.. Қўй, бошим айланиб кетди. (*Зийнат асбобларини ҳавас билан кўздан кечириб.*) Буюрсин! Насиб қилсин!.. Янги келин бўлиб тушган кунларим даданг раҳматлик битта қалай узук олиб келганда қанча суюнибман!.. Жон қизим, дунёда давлатдан катта бахт йўқ! Давлат бир марта келади, келганда маҳкам ушлаш керак! Эрингни иззат қил! Қайнанангни иззат қил! Эрталаб саломга чиқаётибсанми?

Насиба. Э!..

Роҳила. Ундоқ дема, қизим! Гапимга кириб кам бўлдингми? (*Ҳовлини кўрсатиб.*) Мана!

Зуҳра киради.

Зуҳра. Салом!

Насиба югуриб бориб уни кучоқлайди.

Роҳила. Вой, Зуҳрабуви! Эсонмисиз... Эсон-омон келдингизми... Қачон келдингиз?

Зуҳра. Қеча... Тўйлар қуллуқ бўлсин... Қуллуқ бўлсин, қизим.

Насиба. Раҳмат.

Роҳила. Тўйга келмадингиз... Ўзи ҳам бирдан бўлиб кўп одам билмай қолди!.. Хўп томоша қилиб келдингизми? Семирибсиз! Дом отдих ёқипти...

Насиба (*хурсанд*). Биз курортга кетаётибмиз!

Зуҳра. Эшитдим...

Роҳила. Болагинамнинг суюнганини кўринг.

Насиба (*хурсанд*). Биз курортга кетаётибмиз!

Зуҳра. Пул яхши нарса, лекин босиб олган одамга яхши. Пулки кишини хазондай учириб юрдими, ундай пулдан кўрқилик!

Насиба. Қимни учирипти?

Зуҳра. Мана, сени! Сени учириб курортга олиб кетаётипти.

Роҳила. Ёмонми?

Зуҳра. Мактабидан юлиб олиб кетаётипти-да.

Роҳила. Айланай, Зуҳрабуви, ҳозир ҳамма ҳам эрга теккунча ўқийди.

Зуҳра. «Қим табиб, бошидан ўтган табиб» дейишар эди, илмсизлик бошингиздан ўта туриб шу гапни гапирасиз-а?

Насиба (*аччиғи келиб, онасига*). Ўқийман!

Роҳила. Ҳа, ҳа, ўқийди.

Марасул киради.

Зуҳра. Мактабда ачинмаган одам йўқ.

Марасул. Э, келинг, хола, келинг! Ўйнаб-кулиб келдингизми... Насибахон, аям қанилар?

Насиба. Ҳозир келадилар.

Марасул (*Роҳилани кўриб*). Э-э!.. Келинг...

Роҳила. Яхшимисиз, болам...

Марасул. Насибахон, ошни тезроқ есак. Чойни шошмасдан ичиб поездга чиқсак дейман-да.

Насиба. Ая, ҳаммаси тайёр, ўчоққа ўт ёқиб юборинг.

Р о ҳ и л а. Хўп, кўплашиб бирпасда қиламиз. (*Чиқади.*)

Н а с и б а. Мен ҳозир гуруч олиб чиқаман. (*Уйга киради.*)

З у ҳ р а. Еш қизни олганинг бир сари, энди буни ўқишидан қўйиб курортга олиб кетаётганинг нимаси?

М а р а с у л (*аччиғи келиб*). Шу ишга аралашмаган мактабнинг қоровули қолган эди, холос! (*Чиқмоқчи бўлади.*)

З у ҳ р а (*этагидан тортиб*). Шошма.

Н а с и б а уйдан гуруч олиб чиқиб, ошхонага ўтиб кетади.

Марасул (*кегидан*). Насибахон! (*Чиқмоқчи бўлади*).

З у ҳ р а (*этагидан тортиб*). Шошма!

Р о ҳ и л а (*товуши*). Зухрабуви!

З у ҳ р а. Лаббай! Ҳозир...

М а р а с у л. Боринг! Аям йўқ эканлар, қарашинг...
Лекин закунчилигингизни қўйинг! Хафа бўламан!

З у ҳ р а. Агар шуни ўқишидан қўйиб курортга олиб кетадиган бўлсанг, сендақа жияним йўқ!

М а р а с у л. Хўп, хўп, боринг!

З у ҳ р а чиқади. Н а с и б а киради.

Н а с и б а. Марасул ака... Халатни ўзим кияман. (*Эркаланиб.*) Керакмас, қайтиб берсин!

М а р а с у л. Аввал шуки, мен магазинда яхши қарамабман, кийилган экан, ундан кейин, ранги менга ёқмади. Сизга бошқасини олиб бераман... Қўлингизни беринг. (*Тилла соат кўрсатади.*)

Н а с и б а. Вой! Тилла соатим бор эди-ку!

М а р а с у л. Иковимиз ўтқазадиган олтин умрининг олтин минутларини ҳар қанча олтин соат санаса оз!

Н а с и б а. Раҳмат!

М а р а с у л. Ҳа, айтгандай, янги машинанинг ҳам йўлини қилиб қўйдим. Қайтиб келганимиздан кейин янгилисини оламиз!

Н а с и б а (*севиниб*). Вой. (*Ўзини Марасулнинг қучоғига отади.*)

Марасул уни ўпмоқчи бўлганда кўчада милиционер ҳуштак чалади. Кўча деворидан устма-уст иккита билон ошиб тушади, сўнг,
Ф о т и м а кириб эшикни танбалаб олади.

З у ҳ р а (*киради, ҳайрон*). Нима гап?

М а р а с у л. Ая, холам келдилар.

Ф о т и м а (*Зухрани кўради*). Йе! Кел... Эсон-омон келдингми?.. Тўйга нега келмадинг? Болам бечора сенга телеграмма юбориб беш сўм олтмиш тийин нақд пулга куйиб қолаверди.

Қўлида қапир. Р о ҳ и л а киради.

Р о ҳ и л а. Насиба, гуручинг сув кўтарармиди?

Ф о т и м а (*Роҳилани кўриб*). Вой, қудам кептилар! Вой, гиргиттон! Эсонмисиз, омонмисиз?.. Ҳой, келинпошша, қудамни нега уринтириб қўйдингиз? Қудагинамни нега уринтириб қўйдингиз?

Н а с и б а онасининг қўлидан қапирни олиб чиқиб кетади.

Мана бу ёққа чиқинг, қудажон! Омин!.. Милиса ўлгур ҳеч қўймайди... Сутни бозорга обориб сот дейди.

М а р а с у л (*Зухрага*). Ўз холам бўла туриб тўйга келмадингиз-а? Угай бўлсангиз ҳам хафа бўлмас эдим.

Ф о т и м а. Ўгайдан баттар бу!

Н а с и б а кўкпиез, редиска олиб киради.

Н а с и б а. Марасул ака, кўкпиез тўғрашга устасиз...

М а р а с у л. Ўткир пичоқ бўлса!

Н а с и б а. (*Роҳилага редискани бериб.*) Ая, сиз редиска арчишни яхши кўрар эдингиз...

Ф о т и м а. Вой, менга беринг, келинпошша!

Н а с и б а (*Зухранинг ёнига ўтириб*). Хола, бирам соғиндимки!..

М а р а с у л. Насибахон, боринг, қозонга қараб туринг!

Н а с и б а чиқади.

М а р а с у л (*пиез тўғраркан*). Дом отдихга ҳар қачон борса бўлаверади, тўй деган нарса одамнинг умрида бир марта бўлади.

З у ҳ р а. Тўйингнинг таърифини эшитдим, шу ерда бўлсам ҳам келмас эдим. Эски тўйга боргани номус қиламан.

М а р а с у л. Нимаси эски? Вино, арақ, артистлар...

З у ҳ р а. Домла-имом, никоҳ...

М а р а с у л. Аяларим учун ўқитдим! Оббо!..

Зухра. Аяларинг никоҳга бошқоронғи бўлган эканми?

Фотима. Ҳой, имонсиз, онасини рози қилса, онасининг охиратини ўйласа ёмонми?

Зухра. Сен тўлка ўзингни дейсан! Бу дунё куйса куйсинки, сенинг охиратинг бўлсин! Охиратга мунчалик ҳирс қўйган экансан, боравер!

Фотима. Оғзингдан чиқиб ёқангга ёпишсин!

Хуморхон киради. Роҳила ва Зухра билан кўришади.

Келинг, Хуморхон.

Хуморхон (Фотимага). Хола, мен нарсаларимни сизга қўйиб кетаман-да.

Фотима. Бемалол!

Хуморхон (ташқарига). Тоғ! Спальнийдаги катта сандиқни олиб чиқинг. Устидаги нарсаларни Аҳаджон акамнинг кабинетларига олиб кириб қўйинг!

Ризамат (товуши). Хўп...

Фотима. Утиринг, Хуморхон.

Насиба офтоба билан дастшўй олиб киради ва Марасулнинг қўлига сув қўймоқчи бўлади.

Ҳай-ҳай!.. Қудамдан бошланг, келинпошша, она рози — худо рози!

Зухра. Мунча!.. Ўзинг нега онамизнинг розиликларига қарамаган эдинг, Шариф оқсоқолга берамиз деганда қари деб ўзингни ҳовузга ташлаган эдинг?

Фотима. Ешларнинг олдида тек ўтир!

Насиба (Зухрага дастшўй тўтиб). Қўлингизни ювинг, хола.

Зухра. Оёғим бутун, ўзим бориб ювиб келаман.

Насиба (Хуморхоннинг қўлига сув қўяётиб). Розиликда ҳам розилик бор-да, ҳаммасига қараб бўлар эканми?

Хуморхон (таълимомуз). Унақа деманг, опаси ўргилсин, бир вақти келиб армон бўлади. Дунёда онадан азиз нарса борми! Мана мен, раҳматлик онамнинг розиликларига қараб отам тенги Заргаровга хотин бўлиб ўтирибман-да.

Марасул Хуморхонга ҳайрон бўлиб қарайди, Насиба чиқади.

Фотима. Баракалла, қизим!

Роҳила. Раҳмат!

Насиба ош келтириб қўяди.

Марасул. Қани, олинглар!

Хуморхон. Заргаровга тегиб нима кўрдим!..

Зухра (кулади). Яна нима кўрмоқчи эдингиз? Еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда, бу кўрганингизга кўнглингиз тўймаса, ҳали ёшсиз, ўқинг! Шундай замон бўлса-ю, одам ўқимаса!

Фотима. Нима ишинг бор?

Хуморхон. Илмим ўзимга етади.

Марасул. Хуморхон институтда ўқиган. Учтами, йўқ, тўртта институтда ўқиган. Яқинда доцент бўлади.

Зухра. Вой, илм увол эмасми, нега ишламайсиз? Ҳозирги замонда сичқон тутмайдиган мушук ҳам одамнинг кўзига хунук кўринади-я!

Фотима. Сенга нима?

Хуморхон. Серцам ярамайди.

Зухра. Ҳмм. Ундай бўлса нолимасангиз ҳам бўлади: Заргаров жуда сизбоп эр экан!

Хуморхон (тутоқиб). Нега менбоп бўлар экан?.. Вой!

Роҳила. Олинг, Зухрабуви!

Зухра. Хўп, Заргаров амалдор эмас, елкасига арқон ташлаб бозорда юрган ҳаммол бўлса тегармидингиз?

Хуморхон. Вой, менга нима қипти!.. Оғзим бор деб гапиравераркансиз-да! Қанақа бетамиз хотинсиз!

Зухра. Хафа бўлманг... «Она розилиги» деганингизга айтдим.

Марасул. Бўлди энди, хола! Сизга нима оғирлиги тушди?

Фотима. Ҳой, қўясанми, йўқми?

Хуморхон (ўрнидан туриб кетади). Менга ўргатаманг! Ўргатадиган бошқа дурустроқ одам топилиб қолар!

Роҳила. Унақа деманг, қизим, ҳар қандай бўлганда ҳам сиздан катта...

Хуморхон. Катта бўлиб ким бўлиб кетипти, мактабнинг эшигида ўтирадиган бир жужур-да!

Насиба (аччиғи келиб). Хуморхон опа!

Зухра. Ҳа, жужурман. Эл-юртга ҳар ким қўлидан келган хизматини қилади. Сиз жужур ҳам эмассиз-да, хоним, тўлка хотинсиз! (Паузадан кейин.) Лекин, сигир-

нинг қулоғига тушган канадай эрни сўриб ётиш ҳам яхши касб!..

Пауза

Марасул. Холам русчани ҳам қойил қиладилар... (Масхара қилиб.) «Тўлка хотинсиз!»

Зухра. Тилим келишмайди. (Бирдан.) Тилим келишмаса ҳам дилим келишади. Сенинг тилинг келишса ҳам дилинг келишмайди.

Марасул (ғазабланиб). Нима бўлипти дилим келишмай?

Зухра. Русчани яхши гапирасану русча билган одамга ҳеч ҳам ўхшамайсан!

Роҳила. Ошдан олинг, Зухрабуви!

Зухра. Қорним тўқ, обед қилиб келган эдим.

Фотима (бўғилиб). Ҳеч бўлмаса насибангни олсанг-чи! Қандоқ чулчутсан!

Зухра. Насибахон, менга қошиқ беринг.

Фотима. Оббо, олифтагарчилик ўлсин!..

Насиба (қошиқ беради). Мана, хола!

Марасул (кулиб). Ота-бобонгиз қилган ишни қилаверсангиз-чи!

Зухра. Сенинг отанг туя миниб чорбозорчилик қилар эди, сен «Победа» миниб бошқа иш қилиб юрибсан шекилли...

Фотима (тутақиб). Қачон келсанг шамол-тўполон билан келасан-а! Дийдоринг курсин!

Зухра. Хафа бўлма, ҳар замон келиб шамоллатиб турмасам чириб, ириб кетасан!

Марасул (ўрнидан туриб кетади, оғзида ош). Одам сафарга кетаётганда хафа қилмасангиз нима бўлар экан?!

Фотима. Йўқлаб келмай ўл!

Зухра. Мен сени йўқлаб келганим йўқ. (Насибани кўрсатиб.) Мана буни йўқлаб келдим, ҳали тузуккина қанот чиқармай учишга талпинган мана бу чумчуқболанинг ҳолидан хабар олгани келдим.

Роҳила. Вой, Зухрабуви, сизга нима бўлди, менинг қизим нега чумчуқбола бўлар экан...

Марасул. Нега чумчуқ бўлар экан?.. Қичкина бўлса чумчуқ бўлаверадими! (Роҳилага.) Гапиринг!..

Зухра ўрнидан туради. Унга қараб бир нима демоқчи бўлади-да, айтмайди, кўча эшиги томон йўналади.

Насиба. Хола!.. (Унинг кетидан чопади.)

Зухра чиқиб кетади.

Фотима (Насибага эшиттириб, Марасулга). Ўзинг биласан, жинни-ку бу ахир, нима қилар эдинг тенг бўлиб? (Роҳилага.) Шунақа дарди бор, тутиб қолса ҳеч кимни танимайди.

Заргаров киради.

Заргаров. Ҳой, соат неча бўлдики, баҳузур ўтирибсизлар? (Ошга кўзи тушиб.) Ошми? Хуморхон, мана билет...

Насиба. Утиринг, Аҳаджон ака... Мана ҳозир... (Чиқади.)

Хуморхон. Бу бешинчи купэ-ку! Буларники олтинчи купэга!

Марасул. Майли, майли, ўзимиз суришамиз.

Насиба косада ош келтириб Заргаровнинг олдига қўяди ва қўлига сув қўяди.

Заргаров (Марасулга). Энди бу ёғини сенга топширдим... (Ошга иштаҳа билан қўл узатади.)

Катакон сандиқ кўтариб Ризамат киради. Марасул билан Заргаровдан бошқа ҳамма унга қарашади.

Марасул (тишини ковлаб). Сал кўтаринг, Ризамат ака!

Заргаров (оғзидаги ошини зўрға ютиб). Йўқ-йўқ, пастроқ тушир!

Ризамат хотинларнинг ёрдами билан сандиқни уйга олиб киради. Телефон жиринглайди.

Марасул (трубкани олиб). Доктор Марасул Хузуржонов! Поликлиникадан справка элтиб бердим-ку? Дирекцияга бердим. Ҳозир... (Трубкани беркитиб, Заргаровга.) Аҳаджон ака!..

Заргаров. Ким?

Марасул. Маориф мудир. Яна ўша гап. Жонга тегди. Икки оғиз гапириб қўйинг.

Заргаров ошни кўтариб аппарат олдига боради.

Сиз билан ўртоқ Заргаров гаплашмоқчилар. (*Трубкани беради.*)

Заргаров (*трубкага*). Салом... Докторни тинч қўясизларми, йўқми? А? Э, ўқитади-да, ўқитмай нима қилади, сўқимга боқадими? (*Кулади.*) Йўқ, мен ҳам Хуморхонни сўқимга боқаётганим йўқ. Ахир, биздай одамга битта личний секретарь керакми, йўқми? Хўш? Қўй шунақа гапларни! Менга қара, менга қара дейман!.. (*Жаҳли чиқиб трубкани бир чеккага қўяди ва ошни еяверади.*)

Уйдан Хуморхон билан Ризамат чиқади.

Хуморхон. Юринг! Тезроқ юрсангиз-чи? (*Чиқиб кетади.*)

Ризамат ошнинг олдидан ўтолмайди; у ёқ-бу ёққа қараб чўнтагидан чоракта арақ олади, пиёлага қўйиб ичади ва ошдан бир-икки луқма олади.

Хуморхон (*товуши.*) Тоға!

Ризамат (*оғзи тўла ош*). Ҳа!.. (*Ошдан яна битта олиб чиқиб кетади.*)

Заргаров (*Трубкани олади.*) Бўлдингми? Менга сиёсатдан дарс бериб бўлдингми дейман? Хўп, қулоқ сол бўлмаса: сен сиёсатни китобдан ўрганган бўлсанг, мен амалий ишда ўрганганман, мени мот қилолмайсан! Гапни кўпайтирма! Ҳозир мактаб директориға телефон қилиб айт! Комсомолларига ҳам айтиб қўйсин, ҳадеб одам юбориб совет докторининг обрўйини тўкавермасин! (*Трубкани қаттиқ қўяди.*)

Марасул (*суяк тишлаб*). Амалдор деган мана шунақа бўлса, ҳеч тап тортмай у ёғини-у ёққа, бу ёғини-бу ёққа қилиб ташласа!

Заргаров. Нимадан тап тортаман! Олса столини олади-да. Артелимга бориб яна раислигимни қилавераман. Муовинлик ўзимга ҳам ўтиришмаётипти. Раис йўлни жуда тор оладиган одам экан! (*Ўз уйи томонга кетади.*) Хуморхон!

Фотима уйдан чиқади.

Фотима. Марасул! Келинпошша! Қанисизлар, куда...

Уйдан Роҳила билан Насиба чиқади.

Бу ёққа келинлар! Онанг айлансин Марасул, хотининг ёш, кимда нима кўрса ҳавас қилади. Нима дедингиз, куда?

Роҳила. Умрингиздан барака топинг, хўп зийрак-сиз-да!

Фотима. Уша томонларда марварид арзон эмиш, келинпошшанинг бўйинини марваридга тўлдириб кел!

Роҳила. Қизим, ўп қайнанангни!

Насиба сакраб Фотимани ўлади. Заргаров, унинг кетидан иккита чамадон кўтарган Ризамат киради.

Хуморхон. Кетдикми... (*Фотимага.*) Нарсаларни сизга, сизни худога топширдим. Тоға, қани юринг!

Насиба. Хайрми энди...

Фотима. Омин!

Роҳила (*Насибага*). Қизим, онанг ўргилсин, одамлар излаб тополмаган бахт сени қидириб юрган экан! Оқ йўл! Хат ёзинглар!

Ҳамма кузатиб чиқади. Хайрлашилган товушлар. Машина жўнайди. Ҳозлар ғағиллайди.

Парда

ТҮРТИНЧИ ҚҮРИНИШ

Уша декорация. Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтган «Ичкари» акси уриб қолган, лекин бўйни ва қўлларидаги зийнат асбобларидан кўз қамашадиган Насиба боласини беланчакка солиб аллаламоқда. Марасул сувада хуррак отиб ухламоқда.

Насиба. Алла, алла... Алла, қўзим, алла... Жоним болам, алла...

Бола йиғлайди.

Марасул (*уйғониб*). Йиғлатмасанг-чи! Қўлингга ол! (*Пауза.*) Битта кўк чой дамлаб кел.

Насиба боласини олиб чиқиб кетади. Хуморхон киради. Яна ухлаб қолган Марасулнинг бурнига чўп теккизиб уйғотади.

Марасул. Э, қўйсанг-чи!..

Хуморхон. Уф, бирам зерикиб кетаётибманки!.. Марасул ака, машинангизга солиб бир айлантириб келсангиз-чи!

Марасул. Аҳмоқ бўлма! Эринг билиб қолса нима дейди!

Хуморхон. Узингизга керак бўлганда, эрим эсингизга келмайди-ку! Туринг!

Марасул. Ҳозир мени қимирлатма. Самоварда ош қилган эдик, кўпроқ еб қўйибман.

Насиба чой олиб киради.

Қуй, шопириб-шопириб қуй!

Фотиманинг товуши — Келинлошша! Хамирингиз ошиб кетгандир!

Марасул. Товуш берсанг-чи!
Насиба. Ҳозир... (Боласини беланчакка солиб, кетмоқчи бўлади.)

Бола йиғлайди.

Марасул. Болангни олиб кет!
Хуморхон. Менга бера қолинг, опаси ўргилсин!
Марасул. Қўйинг, олиб кетсин!

Насиба болани олиб чиқиб кетади.

Тоқатим борми!..

Насиба бир қўлида бола ва бир қўлида тоғора, ўтиб боради.

Хуморхон. Вой, опаси ўргилсин, хамир қилганми-дингиз.... қарашворсам бўлар экан...

Марасул. Қўяверинг!

Насиба чиқади.

Хуморхон. Битта туғди-ю, қўтир эчкидай, бўлди-қолди-я!

Марасул. Тукқанидан кейин кўп дард тортди-да!

Хуморхон. Оббо! Ҳеч ким туғмапти, ҳеч ким дард тортмаптимми! Танавори шунақа ўзи!

Марасул. Тўғри! Танавор деган мана бунақа бўлади.

Уни ўзига тортиб ўлаётганда Заргаров киради.

Заргаров. Марасул!

Марасул (Хуморхоннинг тишини кўрган бўлиб). Тиш деганга қараб туриш керак-да! Боринг, тандирда ўт бор, лунжингизни тутинг! Газак олиб кетипти.

Хуморхон жағини ушлаганича чиқиб кетади.

Заргаров. Нима қипти?

Марасул. Миокардиодистрофия.

Заргаров. Шунақами? (Ўтириб.) Чойдан қуй! Олганимда ҳам жағ тишининг мазаси йўқ эди ўзи...

Марасул (чой узатиб). Ҳа, Аҳаджон ака, сизнинг ҳам тишингиз оғриётимми?

Заргаров. Юрак! Юрагимни худди сичқон кемираётгандай!

Марасул. Бунинг иложи осон-ку: битта тирик мушук ютасиз-да...

Заргаров. Куласан-да! Тани бошқа дард билмас... Оқила яна айниятми!

Марасул. Хўш? Нима бўпти?

Заргаров. Ўтган куни пул юборган эдим, олмапти. «Менга садақа керак эмас, судга бериб қонуний алимент оламан» деган эмиш. Ҳайронман...

Марасул. Ундан бунақа гап чиқмас...

Заргаров. Йўқ, сен билмайсан, бурунги Оқила эмас. Ишга кирганига ҳам йил тўлаётимми, ахир!

Марасул. Айб ўзингизда! Нега ишга киргани қўйдингиз?

Заргаров (бўғилиб). Қизиқмисан, мендан сўраптимми!.. Энди, ука, сен яна бир бориб ҳовурини тушириб келасан-да!

Марасул. Узингиз борганингиз маъқул, Аҳаджон ака, хотин киши яхши гапнинг гадоси: бошини силасангиз мушукдай дарров хуррак отади.

Заргаров. Йўқ, йўқ! Менинг феълимни биласан-ку: жаҳлим чиқса тангадай жанжални галвирдай қиламан-қўяман. Сен бора қол! Эртага эрталаб жўна!

Марасул. Хўп.

Хуморхон бошига сават қўйиб киради.

Хуморхон. Кеп қолинг, иссиқ нон бу! (Кулги. Заргаров саватни тутади.) Ҳа, айтгандай, кимдир телефон қилиб сизни сўраган эди.

Заргаров (хавотир олиб). Ким экан, сўрамадингизми?

Хуморхон. Йўқ!

Боласини кўтариб Насиба киради ва уйга томон йўналади.

Хуморхон. Насибахон, нонни қаерга қўяй?
Насиба. Бу ёққа олиб келинг.

Иккови уйга кириб кетади.

Заргаров (Марасулга). Райкомдан бўлмасин тагин? Оқила бир балони бошлаган бўлса-я?

Марасул. Э-э-э... Юракдан ҳам бор экан-да!

Телефон жириглайди. Хуморхон уйдан чиқади.

Марасул (трубкага). Ҳузуржонов... (Ваҳима қилиб.) А?

Заргаров (чўчиб). А?

Марасул. Ие, хола, сизмисиз...

Заргаров. Холанг ўлиб холасиз қол!..

Марасул. Ҳа-ҳа, шу ердалар. Хўп... (Трубкини Заргаровга беради.)

Заргаров (аччиғи келиб, трубкага). Ҳали уйга телефон қилган ҳам сизмидингиз? Хўш, нима дейсиз? Ким? Клуб мудирини? Хўп, беринг... (Бошқа тонда.) Салом!.. Раҳмат!.. Ҳа, Зухрахоним ўтган кунни айтган эдилар. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа, Зухрахоним актив бўлганларидан бери жонингиз кириб қолгандир? Ҳа, комсомол қизларингиздан қолишмайдилар. Хўп, соат олтига етиб бораман. (Трубкини қўяди.)

Марасул. Нима гап?

Заргаров. Хотин-қизлар клуби мендан «Совет оиласи» деган мавзуда бир доклад қилиб беришимни сўраган эди, хўп деб, эсимдан буткул чиқиб кетипти.

Хуморхон. Нега хўп дедингиз, секретарингиз касалхонада, докладни сизга ким ёзиб беради?

Заргаров. Ие, буниси эсга келмапти-ку... (Эсига тушади, Хуморхонга). Айтгандай, каравотнинг тагидаги доклад-халтани олиб чиқинг.

Хуморхон чиқади.

Марасул. Доклад-халта?

Заргаров. Бир альбом бор, секретарим қаерда докладбон нарса кўрса қирқиб шунга ёпиштириб юради. Шунинг отини доклад-халта қўйганман.

Марасул. Доклад тайёр эмас, деб қўя қолсангиз бўлмасмиди?

Заргаров (секин). Хомкалла! «Совет оиласи нима эканини ўзинг билмайсанми, тайёргарлик кўришнинг нима кераги бор?» деб қолса, нима деган одам бўламан? Бу ёқда Оқила! Нозик пайт!..

Марасул. Ҳа, бу томонига ақлим етмапти.

Хуморхон каттакон альбомни зўрға кўтариб киради.

Заргаров. Мана бунда ҳамма гап бор! Қанақа доклад керак бўлса, секретарим шунга қараб бирпасда боплар эди. Қани Марасул, қоғоз-қалам ол-чи!

Марасул (қоғоз-қалам узатиб). Хуморхон, сизнинг хатингиз чиройлироқ!..

Хуморхон (ёзишга чоғланиб соатга қарайди). Соат олтига етиб бораман дедингиз, олтигача ёзиб бўлармиканмиз?..

Заргаров. Нега ёзиб бўлмаймиз? Докладнинг сиёсий қисми, рақамлар тайёр дейиш мумкин. (Альбомни кўрсатиб.) Мана! Фактлар масаласига келганда... (Марасулга.) Сенинг оиланг бор, менинг оилам бор, шунга қараб ёзаверамиз-да!

Марасул. Тўғри!

Заргаров. Ёзинг! Сарлавҳа, сарлавҳа ёзилмайди.

Марасул (Хуморхонга). Тагин ёзиб юрманг...

Заргаров. Хўп... Сарлавҳа... «Совет оиласи!» Хитоб! Уч нуқта!

Хуморхон. Вой, сарлавҳада хитоб билан уч нуқта нима қилиб юрипти?

Заргаров. Майли, ишқилиб бир нима қўйинг, ўзингиз биласиз... Хўш, нимадан бошлаймиз?

Хуморхон. Оила масаласи бўлгандан кейин хотинлардан бошлаш керак-да!

Заргаров. Тўғри! (Альбомни варақлайди.)

Хуморхон (ўйлайди ва айтиб ёзади). «Бурунги вақтда эрларга чўри бўлган хотинлар ҳозир эрлар билан тенг...»

Заргаров. Тўғри, лекин ўчиринг! Келиштириб ёзиш керак!..

Хуморхон. Бу келишмадимми?

Заргаров (альбомни тез-тез варақлайди). Ҳозир ҳозир... Ҳа, мана, мана! Ёзинг! (Доклад тонида, баланд овоз билан.) «Уртоқлар! Буюк Октябрь социалистик революциясидан бурун...»

М а р а с у л. Аҳаджон ака, товуш ҳали керак бўлади, ҳозир бир парда настрок олаверинг.

З а р г а р о в. Тўғри! (*Бир оз настрок, лекин доклад тониди.*) «...социалистик революциядан бурун ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган...» Ана энди ҳалигини қўшасиз, яъни эрларга чўри бўлган меҳнаткаш хотин-қизларимиз ҳозирги даврда эрлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, ўз озодликларини тўлиқ таъминладилар! Ҳмм... Асли мана шу ердан шу ергача қирқиб ёпиштириб қўя қолсак ҳам бўлар экан. Елим борми?

М а р а с у л. Насиба! Ҳой, Насиба! Аллақаерда елим бор эди, топиб келинг!

Насибанинг товуши — Ҳозир!

З а р г а р о в. Хўш, энди нима деймиз? (*Альбомни варақлаб.*) Ие, мана бу ерда Чернишевскийнинг гапи бор экан, буни ҳам қирқиб ёпиштиринг!

М а р а с у л. Уртоқ Чернишевский ҳозир қаерда ишлайдилар?

З а р г а р о в (*ўйлаб*). Тилимнинг учиди турипти-я! Хайр, майли, кейин айтаман... Хўш, яна нима дейсиз?

Хуморхон кўчирмаларни қирқиб ёпиштиради. Марасул билан Заргаров иккови узоқ ўйлайди. Кир юваётган Насиба елим олиб киради.

Н а с и б а. Мана... (*Боласини беланчакка ётқизиб, Марасулга.*) Рўмолчангиз тозами?

Марасул фикримни бўлма, деб ишора қилади; кир рўмолчасини олиб Насибанинг қўлига беради; пайпоғини кўрсатиб, оёғини уза-тади. Насиба унинг пайпоғини еча бошлайди.

Ф о т и м а (*товуши*). Қелинпошша.

Н а с и б а. Ҳозир...

М а р а с у л. Ёзинг! «Мингларча ва юз мингларча озод хотин-қизларимиз...»

Насиба кетмоқчи бўлганда бола йиғлайди.

Болангни олиб кетсанг-чи! Кўрмаётисанми, бу ерда одамлар ишлаб ўтирипти!

Насиба болани олиб чиқиб кетади.

Яна битта қўшимча: «бахтиёр фарзандларимизнинг соғлом бўлиб етишуви учун»

Ф о т и м а кираётиб қоқинади ва бидонлар қўлидан тушиб кетади. Ҳамманинг кайфи учади. Ф о т и м а бидонларини олиб кўчага чиқиб кетади.

З а р г а р о в (*ўзига келиб*). Ҳмм... Чорак кам бир соат вақт қолди. Секретарнинг қадрига етмай юрган эканман.

Хуморхон. Менга қаранг, бориб икки оғиз валақланг келинг-да, нима қиласиз буни ёзиб, ёпиштириб...

М а р а с у л. Тўғри, бунақа пайтда тўртта «масалану» саккизта «яъни» бир доклад-да!

З а р г а р о в. Тўғри-ку, лекин мен гапирганимдан кейин «ўртоқ Заргаров ундоқ дедилар, Аҳаджон акам бундоқ дедилар» дегулик бўлиши керак-да!

М а р а с у л. Демаса демас!

З а р г а р о в. Хўп, майли. Борига барака, у ёғини оғзаки боплайман. Хўп, мен кетдим бўлмаса. Хуморхон, юринг, менинг костюмим билан похол шляпамни топиб беринг!

Хуморхон. Шунақасиз-да, бир жойга борадиган бўлсангиз тугмачангизгача солиб қўйишим керак. Эксплататор! (*Чиқади.*)

З а р г а р о в (*Марасулга кўз қисиб*). Хотин бўлганидан кейин қиласан-да! (*Чиқади.*)

Насиба киради, бола йиғлайди.

М а р а с у л. Ҳой, тинчлик борми, йўқми?

Н а с и б а. Ахир бола касал-ку.

М а р а с у л. Касал бўлса йиғлатмагин, касал бўлмайди.

Н а с и б а. Қанақа одамсиз!

М а р а с у л. Ие, тилингиз ҳам чиқиб қолиптими? (*Уйга киради.*)

Ф о т и м а киради.

Ф о т и м а. Қелинпошша! (*Бўш бидонни олдига қўйиб.*) Менга икки бидон бермади жувон ўлгур! Сут кўп, лекин бир бидондан бераётипти. Юринг, бир бидон сиз олинг! Юринг!

Н а с и б а. Йўқ, ая, мен... бормайман!

Фотима. Кўчанинг нариги юзида-ку, чиқиб келсангиз нима қилади? Бола билан борсангиз беочирт беради.

Насиба (қатъий). Йўқ, ая, чиқмайман!

Фотима. Ҳар кун чиқинг деяётганим йўқ-ку!

Насиба. Гапирманг, ая! Бир қилмаганим колхоз дўконидан сут олиб сотиш қолганмиди?!

Фотима. Хўп, сиз арзандангизни қучоқлаб ўтиринг, оппоқ сочим билан мен чиқай! (Ифғамсираб.) Пешонам қурсин: ўғил ўстириб нима кўрдим! (Паранжисини ёпишиб бидонни олиб, кўча эшигига томон йўналади.) Дод! Золм келиннинг дастидан дод! (Чиқади.)

Насиба (боласини аллалаб.)

Небо спит, звезды спят,
Спи и ты малышка...

(Упкаси тўлиб.)

Небо спит, звезды спят...

(Куюниб йиғлайди.)

Зухра киради.

Зухра. Насиба...

Насиба бошини кўтаради. Зухрани кўриб ўзини йиғидан тиймоқчи бўлади, лекин баттароқ хўрлиги келиб ўзини унинг қучоғига отади.

Нима қилди, қизим?.. Гапир!

Насиба. Энди нима ҳам дейман... Менда гапиргани тил борми?.. Бошда ўртоқларим айтишган эди. Айтганда кўзимга ҳаммаси бахил кўринган эди... Уқитувчиларим ҳам айтишган эди! Тушимми, ўнгимми?.. Қанақа жойга тушиб қолдим, қанақа одамлар орасига кириб қолдим? Мактабимдан, ўртоқларимдан айрилиб топганим шу бўлдим!..

Зухра. Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер деган гап бор. Эсинг кирипти — яхши!

Насиба. Шу кунимдан ўлганим яхши эмасми?

Зухра. Нега? Сенга нима қипти? Сен қоқиндинг холос, йиқилганинг йўқ — яна ўртоқларинг билан барабар қадам ташлаб кетишинг мумкин. Бу ёғи ўзингга боғ-

лиқ. Қимга гапирсанг, гапинг ўтади, қаёққа узатсанг кўлинг етади. Сенинг ёшингда мана бизга қийин эди! (Уйчан.) Бизнинг фарёдимиз ҳатто ота-оналаримизнинг ҳам қулоғига кирмас эди. (Бирдан.) Йиғлама, йиғидан ҳеч ким барака топган эмас! Юр!

Насиба (ҳайрон). Қаёққа?

Зухра. Клубга. Совет оиласи тўғрисида Аҳаджон аканг, ўртоқ Заргаров доклад қиладилар. Бир эшитайлик, совет оиласи тўғрисида нима дер эканлар?..

Уйдан Марасул чиқади.

Насиба. Марасул акамга айтинг бўлмаса... Сиз айтинг!

Марасул. Э-э-э... Келсинлар!.. Келинг, хола... Дунёда бормисиз?.. Ҳеч келмайсиз...

Зухра. Мана, келдим.

Насибанинг рўмолчаси тушиб кетади.

Марасул (рўмолчани дарров олиб беради.) Марҳамат, хоним...

Зухра. Насиба мен билан клубга боради.

Марасул. Э, бормисиз, шунақа қилинг... (Насибанинг қўлидан болани олади.) Боринг, кийиниб чиқинг!

Насиба ҳайрон бўлади ва севиниб уйга кириб кетади.

Шунақа ишларга ҳеч ҳафсаласи йўқ, хола! Бир йилдан бери кўчага олиб чиқа олмайман-а!.. «Юр, ҳеч бўлмаса кино кўрайлик» десам, «Кино келиб мени кўрсин» дейди. Айб ўзида-ю, яна баъзан мендан нолиб ҳам кўяди. Билмаган одам алланималар деб ўйлаши мумкин.

Зухра. Мумкин! Бой деб ўйлаши ҳам мумкин, феодал деб ўйлаши ҳам мумкин. Нима деса кам!

Марасул. Йе!..

Зухра. Ўзинг ҳам боргин, сенбоп гаплар бўлади!

Марасул. Жоним билан!..

Заргаров билан Хуморхон киради.

Заргаров. Э-э, Зухрахоним, салом... (Столдан қозғозларини олиб портфелга солади.) Мени олиб кетгани келдингизми? Раҳмат, раҳмат... Қани, кетдик бўлмаса!

Зухра (Марасулга). Қани Насиба?

Марасул. Сизлар бораверинглар, биз кетларингдан етиб борамиз.

Зухра (Хуморхонга). Сиз-чи, сиз бормайсизми?

Хуморхон. Серцам бир тарзи бўлиб турипти.
Зухра. Шунинг учун боринг дейман-да: юраги соғ одамларни кўрсангиз, кўкрагингизга шабада тегса, буткул тузалиб кетсангиз ажаб эмас.

Заргаров билан Зухра чиқиб кетади. Машина гудок бериб жўнайди. Насиба уйдан югуриб чиқади.

Насиба. Кетишдими?

Марасул. Ҳа.

Насиба. Юринг, Хуморхон опа, бирга борамиз.

Хуморхон. О, опаси ўргилсин, Аҳаджон акангизнинг гапини уйда эшитганим ҳам етар, энди клубга бориб ҳам эшитайми?

Марасул (болани бериб). Ушланг! Сиз ҳам бормай қўя қолинг!

Насиба. Ўзингиз айтдингиз-ку!

Марасул (аччиғи келиб). Қачондан бери мен нима десам шуни қиладиган бўлиб қолдингиз?

Насиба. Бир йилда бир марта борсам нима қипти?..

Марасул (бақириб). Бормайсан!

Насиба. Ўзингиз бир жойга олиб бормасангиз: сизни меҳмонга чақирганлар ёлғиз ўзингизни чақиради; кинотеатр деган нарсалар эсимдан ҳам чиқиб кетди... Паркка олиб чиқмасангиз...

Марасул. Нима қиламан паркка олиб чиқиб! Пржекторга солиб кўраманми? (Чиқади.)

Хуморхон. Эринг гапини иккита қилиш яхши эмас, опаси ўргилсин! Аравасига тушганингиздан кейин ашуласини ҳам айтасиз-да! Мана мен айтиб юрибман-ку, мендан ибрат олсангиз бўлмайдимми! (Чиқади.)

Насиба саҳнада ёлғиз қолади; бир оз ўйлаб турганидан кейин шиддат билан кўчага чиқиб кетади.

Парда

Учинчи парда

Бешинчи қуриниш

Клуб саҳнаси. Президиумда Зухра, Пўлатжон Домла, Заргаров минбарда доклад қилмоқда.

Заргаров (чой ичиб, сўзида давом этади.) Шу билан бирга мингларча, юз мингларча озод хотин-қизла-

римиз бошланғич, ўрта ва олий мактабларда ўқимоқдалар...

Саҳна ёнидан чиқиб келган Ризамат чой қуйиб, камоли эҳтиром билан минбарга қўяди.

(Доклад тинини бузмай, Ризаматга.) Раҳмат!. Ва шу билан бирга келажак авлодимизнинг ҳаёти ҳамда бахтини таъминлаш учун кураш соҳасида ҳам ўз бурчларидан илҳомланиб, инсоният олдидаги ўз вазифаларини шараф билан бажармоқдалар.

Товуш. Ўртоқ Заргаров, қисқароқ!

Заргаров (тушунмай, доклад тонида). Бундан қаттиқроқ гапиролмайман, товушимнинг бўлгани шу, ўртоқлар! Ўртоқлар! Улуғ демократ Чернишевский бундай деб ёзади: «Табиат хотин-қизларни зўр истеъдодли қилиб яратган, уларга ақл-идрок ато қилган бўлса-да, бироқ жамият бу ақл-идрокни тан олмаётир, поймол қилаётир, бўғаётир!» (Зўр таассуф билан.) Ўтмишда мана шундай эди, ўртоқлар! Шу билан сўзим тамом. (Чапак кутади.)

Пўлатжон Домла. Саволлар борми?

Зухра. Мумкинми, бир савол... Хўп, ўтмишда шундай экан... хотин-қизларнинг ақл-идрокини, талантини тан олмайдиган, оёқости қиладиган, бўғадиган одамлар ҳозир ҳам борми?

Заргаров (доклад тонида). Йўқ, албатта! Бўлиши мумкин эмас, ўртоқлар!

Пўлатжон Домла. Бахтга қарши, ҳозир ҳам бор. Бу масалада жамоатни алдайдиган шахслар, ҳатто мансабдорлар ҳам топилади!

Заргаров. Тушунолмадим...

Зухра. Нимасига тушунолмадингиз?

Заргаров (доклад тонида). Ўртоқлар! Оёқости қиладиган, бўғадиган шахслар йўқ, албатта. Биз бунга йўл қўймаймиз! Мутлақо йўл қўймаймиз!

Вера (залдан). Менимча бор! Топилади!

Заргаров (доклад тонида). Эҳтимол бордир, лекин биз қолоқ оилаларга эмас, илғор оилаларга қарашимиз керак, ўртоқлар!

Пўлатжон Домла. Яъни?

Заргаров. Яъни... (Доклад тонида.) Мен бир оила тўғрисида гапиришим мумкин! Менинг қўшним бор, доктор Ҳузуржонов. Мана бу оилани ҳақиқий оила дейиш мумкин! Мана бу оила бугунги куннинг юксак та-

лабларига тўлиқ жавоб беради десам хато қилган бўлмайман. Бу оиланинг хусусияти шундан иборатки...

Назира (залдан). Нотўғри!

Заргаров. Ҳой, қизлар, агар гапирадиган бўлсаларинг, мана бу ерга чиқиб, халойиққа гапиринглар.

Назира. Гапиришимиз мумкин. Мумкинми, домла?

Пўлатжон Домла. Мумкин, бу ёққа чиқ!

Заргаров (норози). Мажлисда тартиб бўлиши керак!..

Пўлатжон Домла. Бугунги мажлисининг тартиби шунақа!

Вера билан Назира саҳнага чиқади.

Назира. Ҳузуржонов Насибанинг ўқишини жувонмарг қилди, олий маълумот бераман деган ваъдалар билан олиб хизматкор қилиб қўйди-ку! Бунинг нимасини мақтайсиз?

Насиба (югуриб саҳнага чиқади). Назира!

Заргаров (Насибага). Сиз ҳам шу ердамисиз?

Вера. Ҳузуржонов Насибани сизнинг қўлингиз билан мактабдан юлиб олди!

Насиба. Вера!

Назира. Насибанинг оёқ-қўлини боғлагани Ҳузуржоновга сиз арқон эшиб бердингиз!

Заргаров (мулойим, лекин таҳдид билан.) Аравани қуруқ олиб қочманг, ойим қиз!.. (Бошқа бир нима демоқчи бўлиб, айтолмайди.) Ярашмайди!.. Комсомол экансиз... Не-хо-ро-шо!! (Доклад тонида.) Уртоқлар, Ҳузуржоновнинг хотини университетга киргани тайёрлик кўраётипти, и... киради ҳам!

Вера. Ёлғон!

Заргаров (жаҳли чиқиб). Узининг тили бор, ўзи айтсин! (Йўталиб қўяди.)

Назира. Насиба, бу ёққа чиқ! Гапир!

Заргаров яна йўталади. Насиба ерга қараганича туриб қолади.

Пўлатжон Домла. Шунақами, қизим, ростми шу гап?

Насиба. Ёлғон! Домла, кечиринг... Мен... мен... сизни алдадим, энди... юзингизга қандоқ қилиб қарайман. Кўзим очилди... (Йиғлаб юборади ва саҳнанинг орқасига ўтиб кетади.)

Кетидан Вера ва Назира ҳам чиқади.

Заргаров (пешона терини артиб). Демак Ҳузуржонов менга нотўғри маълумот берган экан-да!.. Кўрамиз, текширамиз... (Ёзиб олади.)

Президиумга залдан хат тушади. Хатни Зухра олиб домлага беради.

Пўлатжон Домла. Кечирасиз, бир савол тушди, ўқишга мажбурман.

Заргаров. Тўғри, саволлар мана шунақа ёзма равишда берилиши керак.

Пўлатжон Домла (ўқийди). «Докладчи Заргаров уч бола кўрган хотини Оқила Шамсиеванинг устига Хуморхон Мансурхўжаева деган бир жувонни олган...»

Заргаров (шошиб). Шошманг! Тухмат! Оқила билан ажрашиб кетганимга мана шу ҳафта роса беш йил тўлди!

Пўлатжон Домла (қоғозни кўрсатиб). Оқиладан икки яшар ўғлингиз бор экан-ку?

Заргаров (пинагини бузмай). Нима қипти, бўлиши мумкин! Мумкин! Бу бола бундан беш йил бурун бино бўлган, лекин ёпишиб қолган эди, уч йилдан кейин кўчиб, туғилди...

Зухра (заҳарханда қилиб). Ҳм, ёпишиб қолиш бо-лангизга ота мероси экан-да: ўзингиз ҳам Худоёрхон замонида бино бўлиб энди туғилганга ўхшайсиз!.. Домла, менга сўз беринг!

Пўлатжон Домла. Марҳамат, Зухраҳоним.

Зухра. Уртоқлар! Бугунги докладдан бир пуллик баҳра олмаган бўлсак ҳам, лекин, вақтимиз бекор кетгани йўқ: биз қирқ хотинлик бўлмаса ҳам, ҳар қалай, қўш хотинлик Худоёрхонни кўзимиз билан кўрдик, билиб қўйдик!

Заргаров (гаранг). Зухраҳоним...

Зухра. Утиринг! Маълум бўлдики, ҳозирги Худоёрхонлар шляпа ҳам кияр экан, папка кўтариб ҳам юрар экан, совет қонунларига чап бериш, жамоатни чалғитиш учун мана бунақа жойларда минбарга чиқиб, маст туядай, оғзидан кўпиклар ҳам сочар экан!

Заргаров (стол муштраб). Мумкинми!.. Қоғоздай рижимлаб ташлайман!..

Зухра (писанд қилмай). Утиринг! Уртоқлар, бу ерда Заргаров сингари шляпалик Худоёрхонлардан бири — Марасул Ҳузуржонов масаласи ҳам кўтарилди...

Заргаров (қоғозларини йиғиштириб). Мен сиз билан тегишли жойда гаплашаман!.. (Жўнаб қолади.)

Зухра (кетидан). Шляпангизни олиб кетинг! Ҳой, шляпа!

Ризамат шляпани унинг қўлидан олиб Заргаровнинг кетидан чолади.

Парда

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Заргаров ҳовлисида ошхона. Хуморхон ойна олдида пардоз қилиб ўтирибди. Марасул киради.

Марасул. Аҳаджон акам келмадиларми?

Хуморхон. Йўқ. Ҳа, мунча тажангсиз?

Марасул. Бизнинг хотин тил чиқарган десам, оёқ ҳам чиқарипти!

Хуморхон. Бормагин деган эдингиз-ку!

Марасул. Кетипти!..

Хуморхон. Сиздан ҳам серпулроғини топгандирда... Бунақа вақтда эрни шер қиладиган пул, хотинни шер қиладиган хуштор!

Марасул. Алжима!

Хуморхон (паузадан кейин). Яна Оқиланикига борармишсизми?

Марасул. Ҳа! Бора бериб оstonасини сийқа қилиб юбордим! Эрга теқкан сену жафосини мен тортаман! Емон виждонсизлик қилгансан-да! Бечора Оқилага одамнинг раҳми келади

Хуморхон. Оқилага-я? Оқилага раҳмингиз келадими? Насибага-чи? Насибага раҳмингиз келмайдими? Мен Насибага ҳам кундошман-ку!

Марасул. Йе!

Хуморхон. Йўқ-йўқ, кундош эмас, ярим кундош! А?.. Ярим кундошман. (Кулади.) Виждонсиз эмиш! Мени, мен виждонсизни Насибага ярим кундош қилгунча ўлиб бўлдингиз-ку! Қисловодскада кечаси Насибани дори бериб ухлатиб қўйиб, мени санаториядан сой бўйига гача қўлида кўтариб борган ким эди? Яхши кўраман деб йиғлаган, оёғимга йиқилиб ботинкамни мўйлаби билан чўткалаган ким эди?

Марасул. Аҳмоқ! Уз хотинини алдаган одам ўйнашига рост гапирди деб сенга ким айтган эди?

Эшик тақиллайди.

Хуморхон. Киринг! Кира қолинг!

Оқила киради. Иккови гангиб қолади.

Марасул. Э-э, келинг Оқилахон опа... Келганингиз жуда яхши бўлди-да, эртага борадиган бўлиб турган эдим...

Хуморхон. Келинг...

Оқила. Эрингиз қани?

Хуморхон. Сизнинг ҳам эрингиз-ку... Мажлисда!

Марасул. Бирпас ўтира туринг, келиб қолар.

Оқила. Мана шу повесткани Заргаровнинг ўз қўлига топширишим керак эди... Сиз бериб қўярсиз.

Хуморхон (повесткани олиб ўқийди). «Учинчи участка халқ суди...»

Оқила. Орани очиқ қилиб, Заргаровни сизга буткул бермоқчиман.

Хуморхон. Вой, нега, икковимизга ҳам бўлиб турувди-ку...

Марасул. Энди хафа бўлмайсиз, опа...

Оқила. Нега хафа бўламан, мен Заргаровга ўн етти йил хотин бўлиб бешик, қозон-товоқ, киртоғорадан бошқа нарса кўрган эмасман. Мен бошқа нарсага — юртимизда ҳали ҳам инсонлик қадр-қийматини билмаган, хотин деган номга иснод келтирадиган макиёнлар борлигига хафа бўламан!

Марасул. Э-э!..

Хуморхон. Вой (Марасулни гувоҳ қилиб). Мана, айтсинлар... мен эрингизга ўзим тегибманми?

Оқила. Йўқ, албатта! Биламан, сизни тегишга, болаларини чирқиратиб уни уйдан, ўн етти йиллик уйдан юлиб олишга мажбур қилган нарса Заргаровнинг пули, мартабаси. Заргаров амалидан бекор бўлсин-чи, қайда кўрдим қора эшагим дермикансиз!

Хуморхон. Вой қанақа некультурний хотинсан! Секинроқ гапирсанг-чи, қишлоқи!..

Оқила. Шу қилган, қилаётган ишларингиз культура-ю, сиз культурний хотин бўлдингизми?

Хуморхон. Вой, мунча тилинг заҳар экан! Бор-э, эринг бошингда қолсин! Ол, олиб кет! (Деразадан ташқарига.) Тоға!

Оқила. Мен эр талашиб келганим йўқ.

Хуморхон. Ушанда нега йиғлаб келган эдинг бўл-маса?!

О қ и л а. Бундан бир ярим йил бурун ййғлаган эдим. Унда болаларим кўчада қолади деб ўйлаган эканман. Йўқ, тирик етим бўлди-ю, лекин кўчада қолмади. Бу замонда ҳеч ким кўчада қолмас экан: заводда бири онам бўлди, бири акам бўлди — йўлимни топиб олдим. Лекин сиз-чи!..

Хуморхон Марасулнинг орқасига ўтади.

Ие, хотинлардан калтак ея бериб зада бўлиб қолибсиз-ку!.. Қўрқманг, мен сизни урмайман — сизга қўл тегизгани ҳазар қиламан.

Хуморхон. Сендан яхши эканманки, устингга олипти-да!

О қ и л а. Кўчада ётган суякни қайси ит ғажимайди! (Чиқади.)

М а р а с у л (кетидан). Оқилахон опа, мумкинми... Бир оғиз гапим бор... (Чиқади.)

Хуморхон. Вой, яшшамай ўлгур...

Ҳаял ўтмай, Марасул рўмолчаси билан юз-кўзини арта-арта киради.

М а р а с у л. Чакки қилдинг! Яхши гапириб ҳовридан тушириш керак эди!

Хуморхон. Осмон қўлида бўлса ташлаб юбора қолсин! Аҳаджон акамнинг битта осмонни кўтариб қолгудай обрўйи бор!

Ф о т и м а (деразадан). Қанақа эркаксан! Еш хотинни мажлисга юбориб, қандоқ сабринг чидаб ўтирибсан! Қачонгача ўргатаман!..

М а р а с у л. Ҳозир... (Чиқади.)

Ранг-кути ўчган Заргаров киради ва секин креслога ўтиради.

Хуморхон. Вой, нима қилди? Шляпангиз қани?

Ризамат, қўлида шляпа, мотамли юриш қилиб киради.

Заргаров (қўлидан шляпани олиб). Боринг, Марасулни айтиб келинг!

Ризамат чиқади.

Ўзимнинг ҳам кўнглимга келган эди-я? Асли бормасам бўлар экан...

Хуморхон. Вой, нима бало, Оқила бу ерга келиб қилган шаллақилигини клубга ҳам бориб қилдимми?

Заргаров (чўчиб). А? Оқила келдимми?

Хуморхон. Ҳа. Сизга повестка олиб келипти. Сизни менга буткул бермоқчи эмиш.

Заргаров повесткани олиб ваҳима ичида кўз югуртиради.

Заргаров (гаранг). Ие... мен «Оқилани қўйганимга беш йил бўлган» деб... оббо... судда устимга хотин олди деса... (Бирдан.) Жоним! Пайт нозик, хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турипти — бекорга новут бўлиб кетаман.... Менга раҳм қилинг!..

Хуморхон. Нима қилай?

Заргаров. Сиздан бир оғиз сўз!.. Бир оғиз!.. «Мен Заргаровнинг хотини эмасман, ўйнашиман» десангиз қутулиб кетаман. Хотинлик эркак ўйнаш тутмасин деган закон йўқ! Йўқ!

Хуморхон. Ие!

Заргаров (тиз чўкиб). Жоним!..

Хуморхон. Мен бу гапни айтгани номус қиламан. Хўжа авлодимиз, бизнинг авлодда ўйнаш тутган хотин ўтган эмас!

Заргаров. Жоним! Имоним!

Хуморхон. Мунча!.. Жонингизни оладими!..

Заргаров. Обрўйим тўкилади... Менинг обрўйим бир ўзимга эмас, сизга, ўзингизга ҳам керак-ку, ахир!

Хуморхон. Сизнинг обрўйингиз менга керак бўлиб нима қилиб беришти!.. Биттаю битта тоғам ҳали ҳам завхоз!

Заргаров. Бу тўғрида гаплашган эдик-ку... Бир оз ичади!

Хуморхон. Каттароқ иш бўлса — яқинига одам йўлломаса ичгани ҳам билинмас эди.

Заргаров. Хўп, катта ишга жойлаб қўяман. Бўлдимми?

Хуморхон (ўйлаб туриб). Тоғамга дурустроқ жойдан хотин олиб берасиз. Яхши қиз бўлсин!

Заргаров. Хўп, ўзим ҳам шуни ўйлаб юрган эдим. Уйлаймиз, бу ҳовлини тоғангизга бериб, ўзимизга бошқа баҳавороқ жойдан участка қиламиз!

Ризамат билан Марасул киради.

М а р а с у л. Э-э, Аҳаджон ака, ростми? Хайрият мажлисга Оқиланинг ўзи кириб бормапти...

Заргаров (*Ризаматга*). Сиз чой-пой ичиб оласизми?..

Хуморхон (*Ризаматга*). Бу ёққа юринг...

Ризамат иккови чиқиб кетади,

Марасул. Нима бўлди?

Заргаров. Дард бўлди! Бало бўлди! Ҳамма иллат сенда! Сенда! Хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турган бир вақтда нима қилар эдинг гапни кўпайтириб!..

Марасул (*ҳайрон*). Нима қилдим?

Заргаров. Ие, тагин нима қилдим дейди-я!.. Хотининг ўқийман деса битта-яримта мактабга қистириб қўймайсанми-ю, яна битта туққанидан кейин ўзи ташлаб кетмайдими?

Марасул (*қути ўчиб*). Нима бўлди?

Заргаров. Ҳамма гап мана шундан бошланди-да! Дугонаси чиқиб ундоқ деди, холанг чиқиб бундоқ деди: ҳаммаси қўшилишиб сени олиб менга урди, мени олиб сенга урди. Данақдай хамиртурушдан бир тоғора хамир қилди-қўйди.

Марасул. Ўзи нима деди?

Заргаров. Нима дерди! Тарафингни олсам мени ёлғончи қилди!

Марасул. Ҳали шунақами. (*Енгини шимариб чиқмоқчи бўлади.*)

Заргаров. Қаёққа?.. Утир! (*Унинг енгларини тушириб қўяди.*)

Насиба киради.

Насиба. Мени йўқладингизми?

Заргаров Марасулга «қаттиқ гапирма» деб ишора қилади.

Марасул (*қовоғини солиб*). Ҳа!.. (*Унинг олдига боради.*)

Марасул Насибани урмоқчи бўлганда Заргаров ҳай-ҳайлаб қўймайди. Шовқинни эшитиб Хуморхон югуриб киради, вазиятни кўриб ҳайрон бўлади.

Заргаров. Ҳм... Шунақа экан-да, Насибaxon... Марасулдан хафароқ экансиз, менга айтсангиз ҳам бўлар эди-ку... Е мендан ҳам хафамидингиз?

Насиба. Қоқинган одам йўлда ётган тошдан ўпкаламайди.

Заргаров. Мени тош дейсизми, ғишт дейсизми, кесақ дейсизми, ҳар қалай холис ният билан ораларингга тушган эдим... И... бахтли бўлдингиз деган қаноатданман: шундоқ уйингиз бор, жойингиз бор...

Насиба (*Хуморхонга кўз қири билан қараб*). Уй-жой бахт бўлса иссиқ оғилда кавш қайтариб ётган сизгирдан бахтлироқ жонивор бўлмас эди!

Заргаров. Уй дейишдан мақсад — оила демоқчиман!

Хуморхон. Оласи ўргилсин, нега унақа дейсиз, кимсан доктор Ҳузуржоновнинг хотинисиз!

Насиба. Фалончининг хотини бўлиш сизга бахт бўлса бордир, лекин меъ буни бахт деб билмайман, бунақа бахтдан жирканаман! Менинг ўз отим, ота-онам умид билан қўйган отим бор! Ўз отимга куйдирги чиққан эмас!

Марасул (*дўқ қилиб*). Шунақами?!

Насиба. Ҳа, шунақа!

Марасул. Ҳа, ўша сени... (*Урмоқчи бўлади. Заргаров орага тушади.*) Жағингни эзаман!

Насиба. Йўқ. Марасул ака, энди мени уролмайсиз! Мен энди мунглик, муштипар хотин эмасман. (*Чиқиб кетади.*)

Хуморхон. Вой, Марасул ака-ей, ўлмаган жонингиз! Бу шаллақи билан қанақа умр қилиб келаётибсиз?

Заргаров. Аҳмоқ! Аҳмоқ!! Ҳозир хотин урадиган замонми?

Хуморхон. Бунақа хотинни уриб ўлдирса ҳам ози (*Чиқади.*)

Телефон жиринглайди.

Заргаров (*чўчиб*). Марасул, ол-чи! (*Ўзича.*) Э, худо!.. (*Паноҳ истаб.*) Хуморхон!

Марасул (*трубкага*). Лаббай! А? Ҳозир...

Марасул имо билан Заргаровга трубкани кўрсатади. Заргаров трубка худди чақиб оладигандай стол ёнига келади, трубкани олади.

Заргаров (*трубкага, ўзини хурсанд кўрсатишга тиришиб*). Лаббай... Раҳмат... А? Хўп-хўп... (*Бўшашиб ўзини креслога ташлайди, узоқ паузадан кейин.*) Марасул!..

Марасул (*зўрға*). Лаббай!..

Заргаров. Нима бўлаётипти ўзи?

Марасул. Энди бу ёғи нима бўлади денг.
Заргаров. Хуморхон! Жоним!

Парда

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

ЕТТИНЧИ ҚҮРИНИШ

Марасулнинг ҳовлиси. Супада Назира, Вера, Насиба, Пўлатжон Домла.

Пўлатжон Домла (боланинг юзини очиб секин).
Бай-бай-бай!.. Мунча ҳам ширин ухлапти! Менга бер-чи,
бола кўтариш эсимда бормикин...

Қизлар секин кулишади, Насиба болани унга беради.

Уҳў!.. Полвон қиз Сўладиганга ўхшайди-ку! Баракалла.
Хўп, қани, гапир-чи!..

Насиба. Уша кунги мажлисдан кейин яхши бўлиб
қолди. Мажлис куни бир авж қилди-ю, кейин ўйлаб
кўрди шекилли, дарров тушди. Хийла тушди! Бир йилда
бир мартаба ҳам кўчага чиқармаган одам... мана, бир
ҳафта ичида икки марта маориф бўлимига бориб келдим.
Ўзи мактабимизга бориб тўққизинчи синфда ўқиганимга
справка олиб келди...

Назира. Ёмон бўлиб ҳам кўрсин-чи клуб деворий
газетасига оёғидан осиб қўярман!

Вера. Мажлисда осгандан беш баттар қилдик-ку.
Пўлатжон Домла. Коллектив зўр куч!

Бидон кўтариб Фотима киради, меҳмонларни кўриб бидонни
секин бир чеккага яшради ва югуриб буларнинг олдига келади.

Фотима. Вой гиргиттон!.. Келинг, домласи... Ке-
линглар... Бу ўқиш қачон бошланади-а, домласи? Бола
бечора ичикиб қолди-ку! Уйда ҳам ўқиёттипти, ўқимаган
китобни қолмади, Марасул китоб ташиб еткизолмаётти-
пти-ю, лекин мактабнинг йўриғи бошқа-да! А, келинпош-
ша?

Насиба. Вой, ая, суюнчи! Мени ўнинчи синфга қа-
бул қилиштипти! Пўлатжон Домла буйруқ олиб келди-
лар.

Роҳила. Умридан барака топсин, зап домланг бор-
да!

Иккиси чиқади. Марасул киради, келиб сўрига ўзини таш-
лайди. Фотима киради.

Фотима. Ие, келдингми... Овқатингни олиб келай-
ми?

Марасул. Йўқ! Томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди.
Аҳаджон акамни ишдан олиб, партиядан ўчириштипти!

Фотима. Вой!..

Марасул. Уф!.. Бир омад кетгандан кейин шунақа
бўлар экан-да!

Фотима. Худо дегин!.. Ташвиш тортма, Аҳаджон
тегирмонга тушса бутун чиқади... Мана кўрасан, онам
айтган эди дерсан! (Секин.) Насибанинг домласи қоғоз
олиб келди!

Марасул. Қанақа қоғоз?

Фотима. Ўқишга кириши нақдга ўхшайди. (Иш-
ламсираб.) Пешонам қурсин... Сени катта қилиб берга-
ним кам экан, энди боласини ҳам катта қилиб бераман,
шекилли.

Заргаров (ўз ҳовлиси томонидан киради, мусибат-
ли товуш билан). Марасул, ука, мен кетдим. Энди бу-
тун умид областдаги ёр-биродарлардан. Хайр...

Марасул. Хайр...

Фотима. Худо денг!

Заргаров (жон-дили билан). Э, худо! (Чиқади.)

Насиба киради.

Фотима. Келинпошша, эрингизнинг овқатини бе-
ринг. (Чиқади.)

Марасул. Қаёққа бординг?

Насиба. Ҳеч қаёққа борганим йўқ.

Марасул. Қим келди?

Насиба. Пўлатжон Домла, қизлар...

Марасул. Шунақами?..

Насиба. (хурсанд.) Ўнинчига кираман! Пўлатжон
Домла дирекция билан гаплашиб буйруқ олиб келипти-
лар! Мана!

Марасул (буйруқни ўқийди). Ҳмм... яхши, лекин
мен бир нарсани ўйлаб қолдим: болангни нима қиласан?

Насиба. Ҳамиша «боланг, боланг» дейсиз... (Ку-
либ.) Нима, болани онамнинг уйдан олиб келибман-
ми?

Марасул. Менинг онамдан умид қилма демоқчи-
ман. Сенга мени катта қилиб бергани басдир, энди бо-
лангни ҳам катта қилиб берсинми!

Н а с и б а (хайрон). Майли... ясли бор...

М а р а с у л. Тилаб-тилаб топган болангни яслига бергани қандоқ кўнглинг бўлади?

Н а с и б а. Яслига нима қипти? Менинг ўзим ҳам яслида, боғчада ўсганман.

М а р а с у л. Сенинг онанг берса бергандир, менинг яслига берадиган болам йўқ!

Н а с и б а (қутчи ўчиб). Хўп, болага менинг онам қарайди... Кечқурун элтиб бераман, эрталаб олиб келаман...

М а р а с у л. Бу бошқа гап. (Бирдан.) Хўп, болани онангга элтиб берар экансан, мени кимга элтиб берасан? Менга ким қарайди?

Н а с и б а. Ўзим қарайман... Онам қарайди... Ўқишимнинг сизга, уй ишига... ҳеч кимга оғирлиги тушмайди.

М а р а с у л (паузадан кейин). Менга қара, ўқишдан мақсад нима ўзи, ишлашми? Нима қиласан ишлаб? Мен боқолмаяпманми?

Н а с и б а. Марасул ака, нима учун мени «боқишингиз» керак? Мён мушук бўлмасам...

М а р а с у л (аччиғи келиб). Биз эр-хотин гаплашаётимиз, орага бировнинг гапини қистирма!

Н а с и б а. Нима дедим? Қимнинг гапини қистирдим?

М а р а с у л (масхара қилиб). «Нима учун мени боқишингиз керак! Мен мушукми?..» Бу анави чол Пўлатжон Домланинг гапи! Бунақа фалсафалар ўшандан чиқади!

Н а с и б а. Майли-да. Бирон орзуси бўлмаган, бирон нарсага интилмаган одамнинг мушукдан нима фарқи бор?

М а р а с у л. Хўп, борди-ю, орзулари ушалди — ўқидилар, битирдилар, ишга ҳам кирдилар — ишлаб қанча ойлик оладилар?

Н а с и б а (унинг афтига қараб). Қанча ойлик олсам ўқишимга рози бўлар эдингиз?

М а р а с у л (нима дейишини билолмай). Юрагимни сикма! (Қоғозни йиртиб ташлайди). Янаги йилга ўқийсан!

Н а с и б а. Вой! (Қоғоз парчаларини олиб бағрига босади.) Марасул ака, нега бунақа қиласиз? Ҳар кун икки маҳал гул кўтариб кўчамизнинг бошида турган кунларингизда нималарни ваъда қилган эдингиз?

М а р а с у л (бирдан туюқиб). Мен ишдан чарчаб келганман, дам олгани қўясанми, йўқми? (Бақариб.) Қўясанми, йўқми!!!

Н а с и б а. Бақирманг!

Роҳила билан Фотима югуриб киради.

Роҳила. Ҳа, ҳа, яна нима бўлди?

Фотима. Ҳой, сенга нима бўлди?

Н а с и б а. Кечагина нима деган эдингиз! Яна лафзингиздан қайтингизми? Ноинсоф!

М а р а с у л. Ҳа! Мен шунақа ноинсоф, шунақа золим эрман! (Бир қўл ҳаракати билан бутун давлатини кўрсатиб). Шунақа золим эр бўлса ҳамма ҳам тегар эди!

Н а с и б а. Ола қолинг!

М а р а с у л (бақариб). Оламан!

Роҳила. Ҳой куёв, яна бошидан тушдингизми? Кўчада муқовангизни кўрган киши сизни ҳеч шунақа одам деб ўйламайди-я!

М а р а с у л. Кечки мактабга қўймайман! Марҳамат, университетга кирсин! Ёрдам қиламан!

Н а с и б а. Бас! Қалбаки гапларингиз жонимга тегди! Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.

М а р а с у л. Жонингга теккан бўлса — катта кўча!

Н а с и б а. Шунақами?.. Ая, мана, орзуларингиз ушалдими?

Насиба билан Роҳила чиқади.

Фотима. Ҳой, ақлингга куйдирги чиқмагур, боласи бор, ҳовлининг яримини бўлиб олади-я!

М а р а с у л. Уф!. Ая, дейман, битта хотинни эплаш шунча қийин, дадам раҳматли саккизтасини қанақа эплаган эдилар?

Фотима. О, онанг айлансин Марасул, у замонда эркакларнинг қамчисидан қон томар эди! У вақтда паранжи бор эди!

Бола, тугун кўтариб Роҳила киради.

Войдод!.. Мени шундоқ қудамдан айирасанми?..

Роҳила. Қўйинг-э, Фотимабуви, давлат деб қизимни ўз қўлим билан ўтга ташлаган эканман! Одамлар айтишган эди...

Н а с и б а (икки бойлам китоб кўтариб киради). Юринг, ая!

Фотима (икковининг йўлини тўсади). Войдод!..
Мени шундай келинимдан айирасанми?..

Зухра киради.

Дод устига дод!

Зухра (хайрон). Нима гап?

Роҳила. Нима бўлар эди... Айтганингиз келди!

Фотима. (Зухра билан кўришиб.) Иккови уришиб қолди, яраштириб қўй. Арзимаган гап... (Чиқади.)

Зухра (кетидан). Мараз!

Марасул (Роҳилага ўпкалаб). Бизни уришиб-сўкиб яраштириб қўярсиз десам, дарров кўч кўтарибсизда!

Роҳила. Ҳа! Кўзим очиқлигида қизимнинг тўйини кўрай деб ўзимни ўйлабману, бу тўйдан кейин Насиба нима бўлишини ўйламабман. Она куни битиб дунёдан кўз юганида боладан рози бўлиши зарур, лекин энди билсам, куни туғилиб дунёни энди кўрадиган боласини рози қилиб кетиши ундан ҳам зарурроқ экан!

Она-бола чиқмоқчи бўлади.

Зухра. Мана энди ўзингизга келибсиз!

Марасул (дўқ қилиб). Хола!.. Оила масаласига аралашманг! Оила масаласи нозик масала, сиёсий масала! Совет ҳукумати оилани мустақкамлаш учун бутун чораларни кўраётган бир вақтда... жавобгар бўласиз!

Зухра. Совет ҳукумати ҳар қанақа оилани эмас, совет оиласини мустақкамлайди!

Марасул. Сизга ўхшаган чаласавод «активлар» қўли билан мустақкамлайди! (Она-боланинг олдини тўсади.)

Зухра. Мен чаласавод, сенинг саводинг росами? Бир кўзинг одамларнинг тишида, бир кўзинг чўнтагида-ку, яна қайси кўзинг билан ўқиб савод чиқаргансан?

Марасул (Насибага). Чучварани хом санама, менадан ялчиб алимент ололмайсан!

Насиба. Кераги йўқ!

Зухра. Қонун товукдай қийқиллатиб олиб беради!

Марасул. Қонунга мувофиқ оладими? Ойлиги юз сўмлик ишга кираман!

Зухра. Ҳезалак!

Марасул (Насибага). Эсинг кириб қайтиб келганингда бу уйда бошқа хотин ўтирган бўлади!

Насиба (таққан зийнат асбобларини олиб Марасулнинг олдига ташлайди). Нанки қайтиб келсам! Аксинча, бу ерда ўтган бир ярим йил умримга умр бўйи ачинаман. Эссизгина бир ярим йил умрим! Юринг, ая! (Чиқади.)

Роҳила. Эссиз! Лекин бекор кетмади! Бу бир мактаб бўлди. Кўзимиз очилди. Бахт нима, бахтсизлик нима — кўзимиз билан кўрдик. Мен оналарга айтаман: «Тузуккина қанот чиқармай учишга талпинган чумчуқ-бола илоннинг оғзига тушар экан» дейман!

Марасулдан бошқа ҳамма кўча эшиги томон йўналади.

Марасул (бақириб). Хола, муродингга етдингми?!
Зухра. Йўқ ҳали, жиян! Чаласига қарздорман! (Чиқади.)

Парда

ЭПИЛОГ

Заргаровнинг ҳовлисида ўша ошхона, лекин ерда ётган бир пой эски калиш,ғижимлаб ташланган бир-икки газетадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Саквож кўтарган Заргаров киради, киради-ю, данг қотиб қолади: кўзларини ишқаб, йириб қарайди, ниҳоят, кўраётгани ҳақиқат эканига ишонгач, бўшашиб кетади. Ғам-койиш хийлагини енгиб қўйган Марасул киради.

Марасул. Салом бердик... С приездом...

Заргаров. Салом...

Марасул. Гузарда орқангиздан шунча чақирдим, эшитмадингиз.

Заргаров (уйни кўрсатиб). Нима гап?

Марасул. Хуморхонингиз... Кечагина кўчиб кетди. Хафа бўлманг, ҳозир ҳаммани ҳам хотини ташлаб кетаётипти.

Заргаров. Қаёққа кўчди экан, тоғасиникигами?

Марасул. Йўқ... Эрга тегди!

Заргаров. А? (Саквожнинг устига ўтириб қолади.)

Марасул. Тагин хотин устига текканини айтмай-сизми!.. Қалай, ишлар тўғри бўлдими?

Заргаров бош чайқайди ва суғуриб ташлади деганга ишора қилади.

Оббо!.. Суғуриб ташламанглар, тузалиб кетаман дематингизми?

Заргаров (*хаёли бошқа ёқда*). Айтдим, айтмаган гапим қолмади.

Марасул. Ўзим ҳам билган эдим: катта омбурга чап бериб бўлмайди. Турмуш қийин бўлиб қолди, Аҳаджон ака!

Заргаров. Сен нима қиласан нолиб! Омбуринг кўлингда, бир кавакдан ҳайдаса, бошқа кавакда тиш суғуриб айшингни қилаверасан! Менга қийин, менга!

Марасул. Жуда ҳам унчалик эмас, Аҳаджон ака! Омбур-помбурим билан ўзимни ҳам ҳаётдан суғуриб ташлайдиганга ўхшаб қолди: учидан ҳовлини сотиб солиққа бердим, ишдан бўшатиладим, яна нима бўлишини билмайман.

Заргаров. Қани энди шуларнинг ҳаммаси тушим бўлса-ю уйғониб кетсам!.. Қадамимни билиб босар эдим. Шу вақтгача калла деб жун чиққан қовоқни кўтариб юрган эканман! Жун чиққан қовоқни!

Парда

1954 йил.